

# Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

“Хурриятдан ва ҳамватанликдан баҳра топмоқчи бўлсак, лозимки, ўзимиздан бора-бора тадрижий суратда аскарларимизни вазифасини, қиёфат ва шаклини, либос ва тарз маишатини ўзимиз тайин қилурмиз”.



БЕХБУДИЙ

(2-саҳифада ўқинг)

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Халқаро майдонда ўз сўзи ва ўрнига эга бўлиб бораётган Қуролли Кучларимизнинг ҳозирги жанговар салоҳиятини ўтган йиллар билан сира таққослаб бўлмайди. Тизимда кечаётган янгиликлар ва ўзгаришлар, машғулотларга сингдирилган профессионал ёндашувлар, хусусан, кўшинларнинг жанговар ва ахлоқий-руҳий тайёргарлигини оширишдаги ностандарт қадамлар ҳарбий хизматчиларнинг касбий тайёргарлиги даражасининг ўсишига хизмат қилмоқда.



Йил давомида замонавий полигонларимиз ҳарбий хизматчиларимизнинг жанговар машғулотлари, меҳнату машқларидан бир дам тинмаган бўлса, маънавий полигонларда ҳам ғайратли, шижоатли ўғлонларнинг билим ва маънавиятини ошириш

МУНОСАБАТ

## МИЛЛАТ ОЙДИНЛАРИ ПЕШВОСИ

Янги Ўзбекистонда сўнгги йиллар миллий маънавиятимизнинг илдизларини теран ўрганиш, тарғиб қилиш ва ёш авлоднинг аждодларига монанд руҳда тарбиялаш борасидаги ишлар қаррасига кўпайди ва давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ана шу ишларни амалга оширишда ХХ аср бошларида Туркистонга кириб келган жадидлик ҳаракатининг бугунги кундаги аҳамияти янада ортиб бормоқда.



Беҳбудий уй-музеи. Самарқанд шаҳри.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу ишларни янада жадаллаштириш ва жадидлик ҳаракати мазмун-моҳиятини чуқурроқ ўрганиш мақсадига “Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” имзолаган қарори олдимизда турган вазифаларни чуқурроқ ҳис қилишимизга ундайди.

Туркистонда жадидликнинг майдонга келишида ва бу ҳаракатнинг ғоя ҳамда дастурининг кенг ёйилишида Маҳмудхўжа Беҳбудий катта ўрин тутди. Беҳбудийнинг яқин сафдошларидан бири

Ҳожи Муин сўзлари билан айтадиган бўлсак, “Биздаги янгилик раҳбарларининг бири ва балки биринчиси, шубҳасиз Маҳмудхўжа Беҳбудийдир. Беҳбудий афанди уйғониш даври ва ўзбек адабиёти тарихида биринчи ўрунни олурга лойиқ бир зотдур...” Зеро, “Ватанимиз тарихида ғоят мураккаб ва синовли давр бўлган ХХ аср бошида майдонга чиққан Маҳмудхўжа Беҳбудий миллий озоқлик ҳаракатининг буюк намояндаси сифатида илм-фан, таълим ва тарбия, адабиёт ва санъат, матбуот соҳаларини ривожлантириш, ҳаётдаги илғор тараққиёт ютуқларини ўзлаштириш орқали халқимизнинг онгу тафаккурини юксалтириш

ҳамда хурриятга эришиш йўлида ўз ҳаётини бахш этган фидойи зотдир”.

Қарорга кўра, мутафаккир адибнинг “Танланган асарлар” тўплами, унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган илмий-оммабоп китобларни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, Беҳбудий ҳазратлари қора кучлар томонидан ханжар урилиб, жисман маҳв этилмаган тақдирда ҳам уни қатагоннинг қаттол қилиши кутиб турган эди. Совет даврининг сўнгги йилларига у зотнинг асарлари чоп этилмагани, ҳатто исми-шарифи ҳам тақиқ тамғаси остида қолгани фикримизга далилдир.

(Давоми 2-саҳифада.)

## “МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ПОЛИГОНИДАН ГАПИРАМИЗ!”

чора-тадбирлари асло тўхтагани йўқ.

Кўшинларимиз салоҳиятини янада ошириш масаласи кун тартибда турар экан, ҳарбий хизматчиларимиз илмнинг тўрт фаслида – жазирамаю қаҳратонда, еру самода ҳам кўйилган вазифаларни бажаришдан сира ортага чекинмайди.

### БУРЧИМИЗНИ АНГЛАТГАН ЛАҲЗАЛАР

Айни дамларда юртимиз бўйлаб Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 33 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кўни байрами кенг нишонламоқда. Бу йилги “Ватанпарварлик ойлиги” тадбирлари “Янги Ўзбекистон армияси – мамлакат таянчи, халқимиз фахри!” шiori остида олиб борилмоқда. Бир-бирдан салмоқли кўргазмалар, ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт тадбирлари, атоқли илм-фан намояндалари, маданият

ва санъат арбоблари, таниқли спортчилар, Мудофаа вазирлиги фахрийлари билан учрашувлар “Халқ ва армия – бир тану бир жон!” тамойили асосида бўлиб ўтмоқда.

Шунингдек, Ватан ҳимояси йўлида жонбозлик кўрсатган қаҳрамонларимиз хотирасини ёд этиш, эътибор ва кўмакка муҳтож уруш қатнашчилари ва фахрийлари ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш тадбирлари юксак савияда ташкиллаштирилмоқда.

Саъй-ҳаракатлар моҳиятидаги муҳим англамлардан бири шуки, йил бўйи давом этадиган ушбу тадбирларда юртдошларимиз шу Ватан тинчлиги ва дахлсизлиги йўлидаги жавобгарлик, оила олдидаги бурч, дунёда кечаётган нотинчликлар ичида тинчлик нақадар улғувор неъмат эканини теранроқ англайди.

### ЖАНГОВАР МАДАНИЯТ БИРЛАШГАН НУҚТА

Пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ҳудудида янгидан бунёд этилган Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маданият департаменти биноси чин маънода миллий армияимизнинг “маънавий полигони” сифатида баҳоланди.

Мазкур иншоотда вазирлик тасарруфидаги Маънавият ва маданият ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаментлари фаолият юритиб келмоқда.

Департамент мутлақ янги тарихий-шарт тузилишида ташкил этилиб, унга Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли, Алоҳида кўргазмали-намунали ҳарбий оркестр, Қуролли Кучлар давлат музейи, “Турон” давлат ҳарбий театри бириктирилди.

(Давоми 3-саҳифада.)

ОЧЕРК

## ТЕНГИ ЙЎҚДИР ШАРАФ БОБИДА

### ёхуд жасоратли Дилором ҳақида қисса

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳар бир видеоселекторни жонли, мазмунли, самарали ўтказди. Уларда давлатимиз тараққиётининг турли соҳалари қамраб олинади. Барчасида эл-юрт фаровонлиги, мамлакат тинчлиги билан боғлиқ ҳаёт масалалар муҳокама қилинади. Уни кўрган одам худди Янги Ўзбекистон ҳаётининг қайноқ оғушига тушиб қолгандай сезади ўзини. Давлат сиёсатида масаланинг катта-кичиги бўлмайди, барчаси бирдай муҳим. Шу боис мен ана шу мажлисларни доим тинглаб, кузатиб бораман.

Ўтган йили 13 декабрь кўни бўлган навбатдаги видеоселектор мажлисида ногирон шахслар, имконияти чекланган одамларга ғамхўрлик кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди. Бундай тоифага мансуб инсонларни қўллаб-қувватлаш, уларга шарт-шароит яратиш, касб-хунар ўргатиш, кўмак бериш бўйича муҳим вазифалар белгиланди.

Шубҳасиз, шу кунги йиғилишда юз берган ажойиб воқеа барча юртдошларимизнинг кўнглини кўтариб юборди.

(Давоми 5-саҳифада.)



ЎЗБЕК ТИЛИМ - ЎЗ ТИЛИМ

Бугунги кунда дунёда эллик миллионга яқин киши ўзбек тилида сўзлашмоқда. Чет элликларнинг Ўзбекистонга келиб, она тилимизни ўрганаётгани юртимизнинг дунёдаги мавқеи тобора юксалиб бораётганидан далолат.

Хитойлик Бай Янг хоним айни пайтда пойтахтимизда яшаб, ўзбек тилини ўрганиб, илмий изланишлар олиб бормоқда.



## Хитойлик Нодиранинг беғубор орзулари

– Бу ерда, Ўзбекистонда дўстларим мени Нодира деб қақришади, – дейди Бай Янг. – Бугунги кунда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига киёсий адабиётшунослик бўйича биринчи босқич докторантман. Ўзбек тили билан илк танишувим 2018 йилда Хитойда бошланган ва ўша вақтдаёқ унга меҳр кўйиб, севиб қолганман. Ўзбек тилининг талаффузи, жозибаси мени ўзига мафтун қилган. Ўзбекистондаги биринчи устозим Дилфуза опа менга машҳур шоира Нодирабегимнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлаб берган, менга “Нодира” деб исм кўйган. Биласизми, бошида Нодирабегим шеърлари ва ғазалларини унчаллик яхши тушунмаганман. Ҳозир эса унинг ға-

залларини ўқиб, таъсирланаман ва янги исми билан фахрланаман.

Университетда кўпчилиқнинг ёрдами билан ўзбек тилини янада мукамал ўрганиман. Айниқса, илмий раҳбарим, филология фанлари доктори, профессор Саодат Муҳаммедова ва Дурдона Эрматовадан жуда миннатдорман.

Диссертациямни ҳимоя қилгач, Хитойга қайтиб, университет талабаларига ўзбек тилини ўргатмоқчиман. Хитойлик ёшларни ўзбек тили ва маданияти билан яқиндан таништириш, икки мамлакат ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш асосий мақсадимдир.

Зарнигор ИБРОҲИМОВА ёзиб олди.

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

## ОТАЛАР ЁҚҚАН МАЁК

Қатагон ҳақида гап кетганида халқимизнинг етук шахслари бошига тушган мудҳиш фожиалар кўз олдимизда гавдаланади. Олиму фозилларимизни, арбобларимизни айни куч-га тўлган даврида қилмаган айби, йўқ гуноҳи учун сўроқ-таъийқ қилдилар, турмаларга тикдилар, отиб ўлдирдилар.

билан янги усул мактаби ташкил этилган. Табиатан илмга чанқок бўлган отам Ақромов Абдусалом Хусейн ўғли ҳам Абдуқодир Шақурий дарс бераётган ушбу мактабга ўқишга боради.

Бундай мактабларда ўқувчилар дунёвий фанларни ўрганишиб, фахрий ёрликларни қўлга киритишар, худди интернет мактаблардаги каби бепул кийим-бош билан таъминланар эди. Уни муваффақиятли тугатганлар эса “Педагоглар тайёрлаш ўқув юрти-ни тамомлади” деган маълумотга эга бўлишган ва ўқитувчи бўлиб ишлаш ваколатини олишган.

Отам ҳам шундай ҳужжатга эга бўлгач, акаси Абдунасим билан биргалиқда уйимизда мактаб очилгани ва маҳаллий аёл-эркакларни йиғиб, уларга таълим бера бошлайди.

Отам ва амаким маърифат тарқатишга шунчалик берилиб кетишадими, чойхона ва гузарларга ҳам чиқиб, ёшу қарига газеталар ўқиб беришади, кундалик янгиликлар билан таништириб боришади. Шунингдек, аҳоли тўпланадиган жойларда йиғилишлар ўтказиб, ёш-яланг, аёл-қизларни ўқишга, илм олишга тарғиб қилишади. Бундан ташқари, улар муסיқий тўғрақлар очадилар.

(Давоми 7-саҳифада.)



## МУЖДА

## “ВАТАН – АЗИЗ, ЖАСОРАТ – МАНГУ!”

ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ



Шу йилнинг 9 январь куни Ёшлар ишлари агентлигида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 33 йиллиги ҳамда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан “Ватан – азиз, жасорат – мангу!” республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Тадбир Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилиб, унда таниқли ёзувчи ва шоирлар, ОАВ вакиллари, олий таълим муассасалари талабалари ҳамда Ватан посбонлари – зобит ўғлонлар иштирок этди.

Таъкидлаш жоиз, танловга 50 дан ортиқ номзоддан 200 дан зиёд ижодий ишлар келиб тушган. Танловга тақдим этилган асарларда “Янги Ўзбекистон армияси – мамлакат таянчи, халқимиз фахри!” деган эзгу гоя мужассам. Уларда

Янги Ўзбекистонни барпо этишда тинчлик-осойишталик нақадар муҳимлиги, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, “Халқ ва армия – бир тану бир жон!” тамойили ҳаётимизда барқарор бўлиб бораётгани, Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини кучайтириш, доимо оғоҳ ва ҳушёр бўлиб яшагача чорлов каби долзарб мавзулар ёритилган.

Ҳакамлар ҳайъати хулосаларига кўра, матбуот, телерадио ва интернет журналистикаси, шунингдек, ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари бўйича 8 нафар иштирокчи танлов ғолиби деб топилди.

Ғолиблар махсус диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Тақдирланганлар сафида “Jadid” газетаси адабий муҳаррири Шаҳриёр Шавкат ҳам борлиги бизни қувонтирди. Ҳамкасбимизни жамоамиз номидан ушбу ётироф билан самимий табриклаймиз!

Акмал ЖУМАМУРОДОВ



## Бошланиши 1-саҳифада.

Шу тариқа бир неча авлод буюк бобомизнинг бебаҳо асарларидан бебаҳра улғайди. Кейинчалик замон имкон бергач, айрим фидойи олимларимиз жидди-жаҳди билан у зотнинг турли манбалардаги битиклари газета ва журнал саҳифаларида, шунингдек, китобат тарзида нашр этилган бўлса-да, уларни тўлақонли мерос намунаси деб айтиш тарихий ҳақиқатга зид бўлур эди. Жадидлик пешвоси бўлган маърифатпарвар мутафаккирнинг танланган асарлари ҳамда уларга шарҳ ўлароқ тадқиқ китобларининг чоп этилиши Янги Ўзбекистоннинг навқирон авлоди руҳониятида миллат ойдинлари ва келажак ўртасида бекиёс кўприк тикланишига замин яратди.

Маълуоти, Маҳмудхўжа Бехбудий миллий уйғонишнинг воситаларидан бири театр деб ҳисобланган ва бу томошахонани ибратхона атаган. Театр санъатимиз бевоҳита жадидлар пешвоси бўлган бобомиз номи билан чамбарчас боғланиди, илк миллий саҳна асари “Падарқуш” номи билан у зотнинг қаламига мансубдир. Айни дамда драматургиямиз отаси бўлган Маҳмудхўжа Бехбудий ҳақида спектакллар саҳналаштириш ҳамда бугунги кунга қадар яратилган “Маҳмудхўжа Бехбудий” киносерияли ва “Халқ юраги” бадиий-публицистик фильмларининг оммавий намойишларини ташкил қилиш вазифаси бинобарин, буюк санъаткор бошлаган йўлнинг узвий ва мантиқий давоми ҳисобланади.

Барча жадид намояндалари қатори эски таълим тизимини туб-

# МИЛЛАТ ОЙДИНЛАРИ ПЕШВОСИ



дан ислоҳ қилиш, янги усулдаги мактабларни жорий этиш гоёси Бехбудий домланинг асосий мақсадларидан бири эди. Табиийки, Бехбудий қаламга олган мавзуларнинг аксарияти Туркистон мактаб-мадрасаларининг ислоҳи, бу борада қилинаётган сайъ-ҳаракатлар ҳақида эди. “Бехбудий мақолаларининг кўбиси муҳим мавзуларда ёзилган бўлуб, ҳануз эскирган эмас ва бу кунларда ҳам биз учун дастуруламал бўлатурган фойдалиқ сўзлардур”, деб ёзади ўз вақтида

Ҳожи Муин. Масалан, унинг “Таржимон”даги “Туркистонда мактаб лисони” мақоласида Бехбудий Туркистондаги мактабларда таҳсил бир тиллик эмас, бир неча тиллик бўлишини ёқлаб чиққан эди.

Ўз навбатида, қарорда кўзда тутилган умумий ўрта таълим муассасалари, ижод мактаблари ўқувчилари, “Темурбеклар мактаблари” курсантлари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида “Маҳмудхўжа Бехбудий сабоқлари” мавзусида иншола-

танловини ўтказиш ва ғолибларни муносиб тақдирлаш, ўйлаймики, ўқувчиларни Бехбудий шахсиятига яқинлаштириб, унинг олий ниятлари моҳиятини англашга хизмат қилади.

Кузатишларимизга таянган ҳолда тўла ишонч билан айта оламизки, Бехбудий феноменига нафақат Марказий Осиё, балки дунё миқёсида афкор омманинг қизиқиши юқори. Бу эса ўз навбатида буюк бобомиз ижоди ва шахсиятига турли нуқтаи назарларни жамлаш ва ўзимизга фойдали хулосалар чиқариш имкониятини беради. Октябрь ойида “Маҳмудхўжа Бехбудий мероси ва жадидлик ҳаракатини ўрганишнинг долзарб масалалари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция дунё жадидшуносларини бирлаштирадиган, маърифатпарвар халқимизни жаҳонга янада танитадиган муҳим воқеа бўлажак.

Мен барча миллатимиз ойдинларини мазкур тарихий қарор билан чин юракдан қутлаб, ғайрат камарини маҳкам боғламоқ чоғи келганини яна бир қарра таъкидлаб ўтмоқчиман.

Зайнобиддин АБДИРАШИДОВ,  
Анқара Ҳожи Байрам Вали  
университети профессори

## ТАБДИЛ

## ЁШЛАРГА МУРОЖААТ

Бизни Туркистон ва Бухорода бир синф муҳтарам ёшлар мавжудки, ҳукумат маҳкамаларида: тижоратхона, банка ва корхоналарда қотиб, таржимон, молфуруш ва даллоллик ёки насиячилик ила машғулдирлар. Бу синф аҳлининг адади бугун Бухоро ва Туркистонда мингларчадир. Ана ёшларга муурожаатдан мурод шу синф аҳлидан бўлган ҳамватанларимизга бир неча қалима арз қилмоқдир. Лутфан сўзимизни тингласалар, деб илтижо қиламиз. Ва камоли эҳтиром ила ул жанобларга баён қилармизки, сизлардан аксарингиз савқи қадар ва ёки савқи табиати ила бир навъи бўлиб, русча бироз ўқиб-ёзмоққа ва ёки фақат сўйламоққа қодир бўлибсиз. Ва бу озгина замоний билги сабабидан вазифа олиб, енгиллик ва бироз рафоҳият ила умр ўтказасизки, Тангрим зиёда этсин!

Сизларнинг озгина замона илмини билганингиз, албатта, нафъ келтирди ва алҳамдулилло, дини мубинга ҳам яхши муътақидсиз ва бу замона илми эътиқодингизни бузмади. Зотан исломият шундай бир дини матин ва қобили

тараққийдики, нақадар замона илмини кўп ўқиса, инсоннинг дини исломда ақидаси шунча мустаҳкам бўлади. Чунончи, замона илмини кўп ўқиган Оврупо олимларининг энг номдор ва давлатликларидан мусулмон бўлуб турганлари жаридахонларга маълумдир. Бас, сабаб бўлдики, илми замоний исломиятга зарар қилмоқ нари турсун, фойда этар, энди матлабга келайлик.

Муҳтарам биродарлар! Сиз хизмат қиладиган доираларда сиздан катта ва сиздан оз ишлайдиган ва сизларга иш буюрадиган кишилар борки, сиздан беш, ҳатто, йигирма дафъа зиёда вазифа олур (баъзи банк ва тижоратхоналарда ойда беш юз сўм, ҳатто минг сўм оладиган кишилар бор ва уларнинг тижорат мактабида ўқигани беш-олти йилгинадир). Бунинг сабаби нима? Сизнинг қўл остингизда сиздан кўп ишлайдиган ва қаттиқ хизмат қиладиган ва юк кўтаридиган мусулмон ва ё ўрислар борки, сиздан ҳам оз вазифа олади. Бунинг сабаби нима? Албатта, бунга жавоб берасизки, бизнинг устимиздан қарайди-

ганларнинг “илми замоний”си биздан зиёда ва меҳнаткашларнинг илми бизга ҳам эмас. Мана сабаб шудир.

Биз ҳам дермизки, жавобингиз дуруст. Бас, маълум бўлдики, ҳозирги замон ишларига хоҳ тижорат, ҳукумат ва саноатхоналарга бўлсин, кириб вазифа олмоқ ва иш қилмоққа илми замоний деган нимарса лозим экан ва ҳар ким бақадри билгуси вазифа олар экан.

Бас, сиз муҳтарамлар ҳам ўз авлодингизни ва азиз болаларингизни, агарда хоҳласангизки, сиздан кўра тараққий этса, дин ва миллатга хизмат этса (дин ва миллатга хизмат илм ва ақча ила бўлар). Шу илми замонийни таҳсил қилмоқ учун ҳаракат қилмоғингиз лозим. Ҳамватанларимиз мулкани сотиб тўй қилганидек, сиз ҳам ҳатто, лозим бўлганда мулкнингизни сотсангизда, ўғлингизни замонга мос ўқишига ҳаракат қилсангиз. Тўйга исроф қилинадиган ақчаларни ўқимоқ йўлига сарф қилсангиз!..

“Ойна” журнали,  
1914 йил 21-сон.

## ТАДБИР

Ватанни севиш, ардоқлаш, ҳимоя қилиш – ҳар биримизнинг шарафли бурчимиз. Бу йўлда кимдир қўлда қурол билан бепоён сарҳадларда туну кун сергак турса, кимдир ўткир фикрлари, маънавият ва маърифати билан элу юртни турли ахборий бўҳронлардан асрашга интилади. Шу жиҳатдан олиб қаралса, енгилмас ҳарбийларимиз ва миллатсевар зиёлиларимиз ҳамкасбдир. Бунинг яқинда Марказий ҳарбий округда “Янги Ўзбекистон армияси – мамлакат таянчи, халқимиз фахри!” шиори остида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир ҳам тасдиқлаб турибди. Унда “Jadid” газетаси ходимлари, Самарқанд вилояти Ёзувчилар уюшмаси масъуллари, Нуронийлар кенгаши аъзолари, сержантлар ва ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Аввало, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси ва меҳмонлар Марказий ҳарбий округ қўшинларига қарашли ҳарбий қисмлардан бирида сержантлар ва ҳарбий хизматчилар учун яратилган шароитлар билан танишди. У ердаги кечано кундуз ишловчи замонавий кутубхона ва “Ўқ отиш маркази” йиғилганларда илқ таассурот уйғотди. Оқруннинг ўқув биносидан ташкил этилган замонавий музейдаги миллий армиямиз тарихи, Соҳибқирон Амир Темур ва шу каби буюк саркардаларимизнинг ҳаёт йўли, маърифатпарвар жадидларимизнинг ижодий ва илмий мероси ҳақида маълумот берувчи



кўргазмалли заллар келажак авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ғурурни ўстиришга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 33 йиллиги ҳамда “Ватанпарварлик ойлиги” доирасида ўтказилган маъруза учрашув ҳарбий оркестр ва тадбир қатнашчилари жўрлигида янграган мадҳиямиз билан бошланди. Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда қабул қилинган “Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150

йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

Дарҳақиқат, аввалбошдан жадид боболаримиз юртимизда миллий армия барпо этиш орузи билан яшаган эди. Бу фикрни асослаш учун 1917 йиллардаёқ Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Шамсиддин Бадриддинов сингари ватанпарвар сиймоаларнинг “Миллий аскар”, “Бизда аскарлик масаласи”, “Миллий аскарларга мурувват ҳам салом” каби юзлаб мақолалари унлаб газета ва рўзномаларда эълон қилинганини эслаш кифоя.

Учрашув давомида Марказий ҳарбий округ фаоллар залида жам бўлган офицерлар, сержант ва аскарлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди. Шубҳасиз, улар орасида адабиётга, илму маърифатга ошнолар борлиги қувонарлидир. Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида хизмат қилаётган ижодкор аскарлар Тоҳиддин Раҳимқулловнинг “Яшасин, Ўзбекистон!”, Умиджон Абдумажидовнинг “Мен посбонман” сингари шеърлари йиғилганларни тўлқинлантириб юборди. Хусусан, Умиджоннинг шеъриси шундай сатрлар бор:

Мен посбонман  
Ота ҳовлининг  
Ялпизлари, райҳонларига.  
Тандирлари, ўчоқлари ва  
Қалдирғочли айвонларига.

Мен посбонман ниҳолларини  
Асрий азим чинорларига.  
Ўқарикда чопқиллаган сув  
Ҳам булоқ, ҳам анҳорларига.

Мен посбонман нигоҳи жайрон  
Сингилларим – дилбарларимга.  
Қўндирмасман гард ҳам, онажон,  
Гулзордаги гулбарларимга.

Мен посбонман туну кун уйғоқ –  
Қумриларнинг ҳаловатига.



Жавобгарман табарруқ тупроқ –  
Темурбекнинг омонатиға...

Мен посбонман, бўйнимда тумор –  
Боболардан мерос қасамёд.  
Сиз хавотир чекмангиз зинҳор,  
Янги Юртни этингиз бунёд!

Мен посбонман, санадим бир-бир,  
Гоҳ чечакдан, гоҳи сарҳаддан.  
Шулар бари жам бўлса, ахир,  
Аталгайдир муқаддас Ватан!  
Мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир ана шундай фидойи, мард ўғлонларимиз бор экан, эртанги кунга ишончимиз юксалиб бороверади. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий қадриятларни улуғлашга чорловчи бу каби тадбирлар юртимиз бўйлаб давом этади.

Ш.ИБРАГИМОВ



# “МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ПОЛИГОНИДАН ГАПИРАМИЗ!”

Бошланиши 1-саҳифада.

Шунингдек, жойлардаги 5 та гарнизонга қарашли Маънавият ва маърифат марказлари, 16 та ҳарбий оркестр ҳамда 56 та ҳарбий қисм маданият марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳам департамент зиммасига юклатилди.



ҳарбий қисмда бўлиб ўтган лойиҳа доирасидаги учрашув ҳам кўпчилигининг ёдида қоладиган бўлди. Ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари кўмондонлиги, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, Тошкент вилояти ҳокимияти ҳамкорлигида ташкиллаштирилган учрашув шукуҳи кучоқ-кучоқ гулдаста билан

**Урушда зўр арслон юраги керак, Курашда-чи, қоплон билаги керак. Тўнғиздек ҳужумкор, бўридек кучи, Айиқ шиддатини кўтоснинг ўчи. Яна уста бўлса қизил тулқидек, Туя эркагидек қила олса кек. Ҳиммати бўлса бир зўр арслонча бор. Мисли бойкуш бўлса тунлари бедор,** – деб ёзади Юсуф Хос Ҳожиб.

Ана шундай метин руҳият билан хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларимизнинг халқаро майдонларда эришаётган оламшумул натижалари ва обрў-эътибори замирида, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда олиб борилаётган стратегик пухта сиёсат ётади.

Чиндан ҳам ўтган йил миллий армиямиз учун улкан ютуқларга бой бўлди. Аскарни том маънода тоблайдиган академия – Мудофаа вазирлиги тасарруфидоги йигирмадан ортиқ полигон халқаро талабларга мос равишда жиҳозланди, бўлинмалар амалий машғулотларда замонавий жанговар ҳаракатларни фаол қўллаш олдди, янги тактик усул ва услублар юксак маҳорат билан амалиётга жорий қилинди.

Ўтган йил давомида мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича халқаро ҳарбий ҳамкорлик режалари доирасида 30 дан ортиқ ҳамкорликдаги тадбирлар ўтказилди. Туркия, Озарбайжон, АҚШ, Покистон, Ҳиндистон, Қозоғистон, Британия, Франция каби давлатлар билан ҳамкорликда ўтказилган ўқув тренинглари, тактик машқлар давомида ҳарбий хизматчиларимиз малака ошириш баробарида, жанговар тайёргарлик машғулотларида жангни олиб бориш ва бошқариш бўйича ўзаро тажриба алмашишди.

## ЖАҲОННИНГ САРА АРМИЯЛАРИ САФИДА

Муҳтарам Президентимизнинг эътибори ва ташаббуслари билан қисқа вақт ичида миллий армиямиз замон талабларига мос равишда ислоҳ қилинди, янги намунадаги қуролат-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан қайта таъминланди. Бошқарув органлари ва қўшинларнинг оператив ҳамда жанговар тайёргарлиги даражаси 2 баробарга ошди. Қуролли Кучлар ва қўшини турлари ўртасида ҳамкорлик мустаҳкамланди, ҳарбий шахарчалар ва полигонларнинг инфратузилмаси замонавий ва миллий услублар уйғунлигида бўй кўрсатди.

Бу жумлалар айтишга осон, унинг ортидаги машаққат ва меҳнат, бетиним изланишлари ҳамма ҳам ҳис қилавермайди. Миллий армиямизнинг жанговар шайлиги ва салоҳияти ошиб бораётганини АҚШдаги “U.S. News & World Report” аналитиклар журналининг 2024 йил учун нашр этилган рейтингини ҳам тасдиқлаётди. Унга кўра, Ўзбекистон армияси жаҳоннинг энг сара армиялари орасида ўн тўққизинчи, Марказий Осиё минтақасида эса биринчи ўринни эгаллади.

Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг осойишта ҳаёти ва хавфсизлигини, давлатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашга ҳар томонлама қодир, деб ишонч билан айта оламиз.

Келгусида алоҳида йўналишларда қўшинларимиз жанговар таркибини мустаҳкамлаш, турли идоравий бўйсунувдаги ту-

ота-оналарини қаршилаётган навқирон йигитлар юз-кўзида балқиб турди.

“Янги Ўзбекистон армияси – мамлакат таянчи, халқимиз фахри!” шиори остида ўтказилган тадбирда Жамоатчилик кенгаши аъзоси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Исажон Султонов, Қуролли Кучлар фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ва бошқалар иштирок этишди. Жиззах, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Қоракалпоғистон Республикасидан келган ота-оналар аскар фарзандлари учун яратилган шарт-шароитлар, уларнинг кундалик фаолияти билан яқиндан танишар экан, давлатимиз томонидан мудофаа соҳасида олиб борилаётган улкан ислохотлар самарасини яққол ҳис қилишди. Шу кунги бир гуруҳ ота-оналарга ўғлонларининг намунали хизматлари учун ташаккурномалар топширилди. Бир дастурхон атрофида ўз фарзандлари билан тушлик қилган бу инсонларнинг чеҳрасида ишонч ва миннатдорлик кайфияти порлаб турди.

## БИЗГА АРСЛОНЮРАК АСКАРЛАР КЕРАК!

Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Қутадғу били” асаридида ҳарбий анъаналар хусусида тўхталиб, қўшин бошлиғида бўлмоғи лозим хислатлар ҳақида шундай дейди: “Қўшинга шундай бошлиқ керакки, унинг номини эшитиб-тоқиб ёв лашкарининг уйқуси ўчиб кетиши лозим. Қўшин бошлиғи бўлувчи шахс ўзига пухта ва ишига пишиқ бўлиши шартки, лашкарга бош бўлиш – оғир ишдир. Негаки, у душман билан биринчи юзма-юз келади. Унда бир қанча жанговар хислатлар ҳам бўлиши керак. Унда мардлик ва кучли жисмоний ҳолат, мерганлик ва саховат фазилатлари ҳам бўлмоғи лозим”.

Бугунги қўшинларимиз буюк саркарда-



ларимизнинг моҳирона жанг санъати, қадриятлари ва бебаҳо фазилатлари билан озиқланиб бормоқдаки, маънавий куч ва жанговар машғулотлар уйғунлиги Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган ҳар бир ўғлон учун мардлик, ор-номус ва шараф ишига айланиб улгурди.

...Эркак киши ор-номусини деб ёвга отилади, ундан ўчини олади. Ор-номус ту-файли у ёв лашкарини пароканда қилади. Жангда энг аввал беномуслар чекинади, орқага қараб қочади. Номусни деб кўрқоқ ҳам аллпик қилади.

Муассасада 277 ўринга мўлжалланган катта анжуманлар зали, театр хоналари, ансамблнинг вокал, хор, балет ва созандалар гуруҳлари учун алоҳида репетиция хоналари ҳамда овоз ёзиш студияси барпо этилиб, сўнгги румсудаги ускуналар билан жиҳозланди. Универсал анжуманлар залида нафақат анжуманлар, балки маънавий-маърифий тадбирлар, жонли ижродаги концерт дастурлари, театр томошалари, ҳатто кинозал сифатида фойдаланиш учун ҳам барча зарурий шароитлар яратилди.

Айни пайтда департаментда телеканаллар ва махсус лойиҳалар билан ишлаш хоналари, овоз ёзиш ва 7 та телемонтаж хоналари ҳамда “Армия студияси” доимий равишда ишлаб турибди.

Мажмуада жойлашган Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти ҳам мудофаа соҳасидаги ислохотларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш, вазирлик фаолиятининг очкилиги ва шаффоқлигини таъминлаш, армия ҳаётига оид маълумотларни аҳолига тезкор равишда етказишда фаоллик кўрсатмоқда. Ушбу департамент Ахборот-медиа ва “Ватанпарвар” бирлашган тахририяти бошқармалари, Электрон оммавий ахборот воситалари ва веб-ресурслар билан ишлаш ҳамда фаолиятини таъминлаш бўлим ва бўлинмаларини ўз ичига олади.

Демак, ҳарбий хизматчиларни мунтазам чиниктириб борадиган мактабни полигон деб атасак, Маънавият ва маданият департаментини ҳарбий хизматчилар ва ёшларнинг интеллектуал қобилиятини намоеён этувчи, санъат ва маданият, илм-маърифатга ундовчи “маънавий юксалиш полигони”га менгзаш мумкин.

Муҳтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг тегишли қарори билан ташкил этилган Маънавият ва маданият департаменти том маънода Мудофаа вазирлиги тизимида аввал тарқоқ бўлган маданият ва санъат йўналишлари фаолиятини мувофиқлаштириб, уларни аниқ мақсад йўлида бирлаштирди.

## АСКАР ОТА-ОНАЛАРИНИ ШАРАФЛАЙМИЗ!

Рухий хотиржамлик жангчи ҳаётининг муҳим бўлаги экани, Амир Темур, Жалолиддин Манғуберди, Бобур Мирзо каби шоҳ ва саркардаларимиз шу орқали ўз қўшинларида муштарак бирлашувга эриша олгани барчамизга аён. Ана шундай руҳий қувватнинг муҳим омили сифатида Қуролли Кучлар тизимида хизмат қилаётган мард ўғлонларимиз ва уларнинг оила аъзолари ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Чунки ҳар бир Ватан ҳимоячиси оиласидаги тинч ва ижобий муҳитдан бевоқифа руҳий қувват олади.

“Аскар ота-оналарини шарафлаймиз” лойиҳасининг қўшинларимиз ўртасида омаллашиб бораётгани, бу эса борган сари кўнгилларда юқори кайфият ва шижоат уйғотаётгани аниқ ҳақиқат. Ушбу ташаббус орқали республикамизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган ҳамюртларимиз фарзандларининг аскарлик ҳаёти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлмоқда.

Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган

## СУҲБАТ

**Инсонда Ватанга муҳаббат, садоқат, миллатпарварлик ва фидойилик туйғуларининг шаклланиши ва мустаҳкамланишида тарихий сабоқларнинг ҳам ўрни муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир шахс мозийдан бир сабоқ олади. Бу борада жадидлар маънавий меросининг ўрни беқийс. Миллат оидинларининг наинки асарлари, балки ҳаёт мактаби ҳам кишини эътиборсиз қолдирмайди. Албатта, руҳий озуқа, маънан тарбия беради.**



# ҲАРБИЙЛАР НЕГА ЖАДИДЛАРНИ ЎРГАНАДИ?

*Куч тузилмалари олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ўртасида “Жадидлар – миллат фидойилари” кўрик-танловининг ўтказилиши замирида ҳам мана шундай эзгу ғоялар акс этган. Жадидлар тарихи билимдонлари беллашувда Мудофаа вазирлиги тасарруфидоги Қуролли Кучлар академиясининг “Маърифат” жамоаси биринчиларни қўлга киритди. Биз бугун билимлар беллашувда фаол иштирок этган, академиянинг Тарбиявий ва мафкуравий ишлар тактик кўмондонлиги 4-босқич курсанти Нодирбек Бобоқоловни суҳбатга чорладик. Нодирбек жамоанинг рақиб билан натижалари тенг келган онда ҳайъат аъзолари томонидан ташкил қилинган қўшмича блитс савол-жавобда бир дақиқа ичида 10 та саволнинг барчасига тўғри жавоб бериб, кузатувчилар олқишига сазовор бўлган ва жамоага ҳал қилувчи балли тақдим қилишга эришган.*

**– Бўлажак офицер сифатида сизнинг тасаввурингизда жадидлар ким ва миллат оидинлари ҳаёт бўлганида XXI аср жадидлари қандай бўлар эди?**

– Абдулла Авлонийга шундай фикрлар ўқиган эдим: “Ҳар ким туғилган, ўсган ерини жонидан ортиқ севади. Биз туркистонликлар ўз Ватанимизни севганимиз каби, араблар Арабистонларини – кумлик, иссиқ чўллари, эскимослар шимол тарафларини – энг совуқ, қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда севадилар. Агар севмасалар эди, ҳавоси яхши, тирикчилик осон ерларга ўз Ватанларини ташлаб, кўчиб кетар эдилар”. Худди шундай, ҳарбий хизматчилар ҳам Ватанимизни иссиқ ёки совуқ ҳудуди демай, ҳар қандай жойда хизмат қилишга шай бўладилар. Шу маънода ҳарбий хизматчи сифатида жадидларни ҳам худди биз каби Ватан ҳимоячиси деб атасак муболаға бўлмайди. Умуман, жадидлар XIX аср охири XX аср бошларида миллат маърифатини уйғотишни мақсад қилган халқ зиёлилари эди. Улар таълим, маданият ва замонавий илм-фан орқали миллатни тараққий эттиришни кўзлаган. Фикримча, XXI аср жадидлари, эҳтимол, рақамли технологиялар, инновациялар ва глобаллашув муҳитида миллат ўзлигини сақлашга интилиб, ахборот соҳасида етакчилик қилувчи мутафаккирлар бўлган бўлар эди.

**– Жадидларни миллат оидинлари деймиз. Уларнинг қайси хислатлари ҳарбий хизматчиларда ҳам бўлиши керак, деб ҳисоблайсиз?**

– Энг аввало, маърифатпарварлик хислатини айтган бўлардим. Ҳарбий хизматчилар нафақат жанговар, балки илмий ва маданий савиясини оширишга ҳам интилиши лозим. Бундан ташқари, ватанпарварлик туйғуси. Эҳтимол, бу сўз бироз баландларвоз гапдек туюлар. Лекин ватанпарварлик – катта жасорат талаб қиладиган туйғу. Биласиз, жадидлар отилган ва ё сургун қилинган... Яъни юрти, халқи учун, керак бўлса, умрини, жонини фидо қилган. Шу сабаб жадидлар каби ҳарбий хизматчилар ҳам Ватан учун хизматини умрининг мазмуни сифатида кўриш керак. Шу билан бирга, миллат оидинларининг жасорат ва янгиликка очкилик каби хислатлари ҳам ҳар бир офицерда бўлиши лозим. Жадидлар ўз даври учун янгиликларни таъбиқ қилганидек, ҳарбий хизматчилар ҳам янги стратегиялар ва технологияларга тайёр бўлиши зарур. Тартиб ва масъулият. Бу қадриятлар ҳам жадидлар ва ҳарбий хизматчилар учун бирдай муҳим аҳамиятга эга.

**– Жадидлардан қайси бири сизни кўпроқ таъсирлантирди?**

– Мени энг кўп таъсирлантирган шахс бу – Абдулла Авлоний. Унинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асаридидаги инсоний фазилатлар ва ахлоқий масъулият ҳа-

қидаги қарашлари мени чуқур ўйга толдирган. Биласиз, ахлоқий масъулият бугун ҳам долзарб. Умуман, бу ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайдиган масала. Қолаверса, Авлоний асарда таълимнинг миллат келажаги учун нечоғли аҳамиятли эканини дадил ифодалагани, бу ўғитлар бугунги кун ҳарбийлари учун ҳам муҳим деб ҳисоблайман. Шунингдек, Абдулла Қодирийнинг ҳаёт йўли ҳам мени кўп мутаассир этган. Чунки у қанчалик қийин вазиятга тушмасин, қанчалар оғир аҳволда қолмасин, ўзининг тўғри сўзлигидан қайтмаган, омон қолиш учун ёлғонларга қайишмаган, доим ўз позициясида турган. Ўзининг қарашларини, қадриятларини ҳеч қачон ўзгартирмаган. Абдулла Қодирийдаги ана шу қатъият мени жуда таъсирлантирган.

**– “Жадидлар – миллат фидойилари” кўрик-танловида жамоангиз билан олий ҳарбий таълим муассасалари ичида мутлақ ғолибликни қўлга киритдингиз. Танловга тайёргарлик жараёни, ғалабадан кейинги таассуротлар қандай бўлди? Қайси жиҳатлар жамоангиз ғалабасига сабаб бўлди, деб ўйлайсиз?**

– Ушбу танлов мен учун ҳам, жамоанинг бошқа аъзолари учун ҳам жуда фойдали бўлди. Чунки билимларимизни янада бойитдик, ўрганганларимизни бошқа ўртоқларимизга ҳам улашдик. Танловга тайёргарлик давомида биз тарихий манбаларни чуқур ўрганиб, жамоавий ишлашга эътибор қаратдик. Асосий устунлигимиз тарихий воқеаларни замонавий воситалар асосида ифодалай олганимизда, сахна кўришилари ва мультимедиа тақдимотлари, бундан ташқари, жамоадорларнинг ҳар бири ўзига берилган вазифани мукамал бажарганлигида, деб ҳисоблайман. Яъни, ҳар бир курсант ўзини жамоанинг муҳим аъзоси эканлигини ҳис этган ҳолда ҳаракат қилди. Биз рақибларимизга қараганда кўпроқ илмий манбаларга таяндик. Ғалабадан кейин масъулият ҳисси янада ошди ва бу муваффақият бошқа танловларда ҳам қатнашишга, кўпроқ китоб ўқиш, билимларимизни доимий бойитиб боришга руҳлантирди.

**– Сиз кўрик-танловнинг сўнгги дақиқаларида жамоангизга ҳал қилувчи балли тақдим қилишга эришдингиз. Тезкор савол-жавобдаги иштирокингиз ҳаммани лол қолдирди. Миллий тарихга қизиқувчи сафдошларингизга қандай илмий ва бадиий адабиётларни тавсия қиласиз?**

– Бу ғалабада барча жамоадорларнинг ҳиссаси бор. Қолаверса, бу илмий жиҳатдан билимларимизни бойитган фидойи устозларимиз, шунингдек, сахна кўришилариимизнинг муваффақиятли кишига кўмак берган академия режиссёри Умида Абдуллаеванинг ҳам ютуғи деб биламан. Адабиётларга келсак, Абдулла Қодирийнинг “Уткан кунлар”, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” ва Абдулла Авлонийнинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарлари ҳар бир ёш ўқиши керак бўлган китоблардир. Бундан ташқари, сафдош дўстларимиз Абдурауф Фитратнинг “Ўзбек тилининг соддаштирилган грамматикаси асари”, бир неча муаллифлар яратган “Жадидлар ҳаракати тарихи” каби илмий китобларни ҳам ўрганишни тавсия қиламан. Чунки бу асарлар нафақат тарихий билим беради, балки миллий руҳни кучайтиради ва мозийдан сабоқ олишга ёрдам беради.

**– Билимга чанқоқлик, интилувчанлик, ғайрат-шижоат сизни ва жамоадорларингизни тарқ этмасин. Суҳбат учун ташаккур.**

Ҳарбий журналист  
Юлдуз ЎРМОҢОВА суҳбатлашди.



## ОНА ТИЛИ САБОҚЛАРИ

# ТИЛИМИЗНИНГ “ТЕМИР” ҚОЙДАЛАРИ

**Нутқ маданиятига қўйилган талаблар кўп. Улар орасида энг биринчиси — адабий тил меъёрларига оғишмай амал қилиш. Кейин нутқнинг тўғрилиги, равлониги, таъсирчанлиги, аниқ-тиниқ мақсадга қаратилгани каби сифатлар туради.**

Нутқ маданияти ҳамма учун бирдай келаркан. Айниқса, ўқитувчининг нутқ маданиятини юксалтириш жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки ўқитувчи, соҳасидан қатъи назар, ҳар қандай илмфан асосларини айнан адабий тил талабларига тўлиқ жавоб берадиган, равлон, тўғри ва таъсирчан нутқи орқалигина ўқувчи онг-тафаккурига сингдиради.

Аммо, кўпчилик, шу жумладан, ўқитувчилар ҳам ўзбек тили қонун-қоидаларига қатъий амал қилиб келяпти, деб айтиш қийин. Чунки адабий тилни пухта билишнинг кўп-кўп талаблари мавжуд. Энг муҳим талаб эса — адабий тил меъёрларини яхши билиш. Аксарият кишилар ўзбек адабий тили меъёрларини тинимсиз бузади. Албатта, кўплар адабий тил бўйича саводхонлик даражаси жуда пастлиги учун уларга амал қила олмайдди. Лекин аксарият ҳолларда туппа-тузук саводга эга шахслар ҳам хато қилаверади. Энг қизиғи, хатолар бир-бирига ўхшаш бўлади. Яъни, кўпчилик айнан у ёки бу нуқтада адашади. Тил илмида бундай англашилмовчиликлар типик, кўп учрайдиган хатолар ҳисобланади.

Оғзаки ёки ёзма матнларда учрайдиган типик хатоларнинг асосий қисми ўзбек тилидаги қатъий, яъни “темир” қоидаларни яхши билмасликдан келиб чиқади. Бундай нукталар эса бир нечта.

Биз шулар ҳақида сўз юритишни кўзладик. Бундай хатолар таҳлили орқали тилимизнинг ўзига хос ва мос жиҳатлари ҳақида кенг, нисбатан яхлит бир тасаввур уйғотишга ҳаракат қиламиз.

Хўш, ўзбек тилининг “темир” қоидаларига нималар қиради?

Уларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

## 1. Миқдор сонларни ифодалашдаги “темир” қонун.

Ўзбек тили Олтой тиллар оиласининг туркий тиллар гуруҳига мансуб. Туркий тилларда миқдор сонлар кўлланганда, улар билан бирга келган от туркумига мансуб сўз, албатта, бирликда кўлланади. Миқдор сонлар “та”, “дона”, “нафар”, “бош”, “литр”, “грамм”, “килограмм”, “центнер”, “тонна”, “миллиметр”, “сантиметр”, “дециметр”, “метр”, “километр” ва бошқа сўзлар билан ифодаланади.

Албатта, 1 тадан ортиқ ҳар нарса мантиқан кўп ҳисобланади. Шунинг учун рус тилида 1 тани ифодалаб келган санок сон именительный падежининг бирлик шаклида турланади (“одна ручка”). 2 тадан 4 тагача бўлса, родителный падежининг бирлик шаклида турланади (“две ручки”, “три ручки”,



“четыре ручки”). 5 тадан то 20 тагача родителный падежининг кўплик шаклида турланади (“пять ручек”, “шесть ручек”, “семь ручек”, ... “двадцать ручек”). 21 тадан то 24 тагача худди 1 тадан 4 тагача бўлган қоида ишга тушади. 31 тадан 34 тагача, 41 тадан 44 тагача ва ҳоказо ҳолатларда ҳам шу гап. Бунинг устига, орага жинс (род) масаласи ҳам тушади. Мужской ва средний роддаги сўз, табиийки, биз мисоллар келтирган женский роддаги сўздан бошқача турланади.

Рус тилида биргина масала ифодаси бўйича шунча қонун-қоида бўлса ҳам, бу борада деярли ҳеч ким хатога йўл қўймайди. Сабаби оддий: шу қоидалар мактабда пухта-пишиқ ўргатилади.

Ўзбек тилида санок сонларни ифодалашнинг биттагина қатъий қоида — бор: 1 та бўладими, 10 тами, 100 тами, 1000 тами, 1000 000 тами — барибир, санок сондан кейин келадиган от, албатта, бирликда ифодаланади, вассалом: “1 та трактор”, “10 та трактор”, “100 та трактор”, “1000000 та трактор”...

Тўғрисини айтганда, оддийдан-оддий қоида бу. Энг муҳими, уни олимлар ўйлаб топгани йўқ. Халқ шундай гапирди. Тилнинг табиати шуни тақозо этади.

Таассуфки, газета ёки журнал, радио ёки телевидение мухбири, блогер суҳбатдошдан: “Неча нафар болаларингиз бор?” — деб сўрайди. “Неча нафар болаларингиз бор?” — дейиши керак эмасми?! Ёки: “Далада 100 та тракторлар ер ҳайдаяпти”, — дейишди ёки шундай деб ёзишди. Ахир, халқ тўғри гапирса, адабий тилда шу халқ варианты меъёр қилиб белгиланган бўлса, журналистларга ўзбек тили ва нутқ маданияти ўқитилса, бундай хато нега бунча кўп такрорланяпти?

Оғриқли савол бу, ростки. Оғриқли томо-

ни шундаки, бундай “саводхонлар” ўзбекча гапирётганда ҳам русча фикрлайди. Чунки рус тилида: “Сколько детей имеет?” ёки “Поля пахнут пашут 100 тракторов”, — дейилади, яъни санок сондан кейин келган от кўпликда турланади ва ўша эганинг иш-ҳаракатини билдирган феъл кўпликда турланади.

## 2. Эга кўпликда бўлса ҳам, феъл-кесим бирликда турланади.

Бу ҳам ўзбек тилининг “темир” қоидаларидан бири ҳисобланади. Масалан, “Одамлар келди”, “Барглар тўкилди”, “Қўйлар қайтди”. Бунинг айтилиши, тожик тилига таржима қилсак: “Одамҳо омаданд”, “Барҳо рехтанд”, “Гўсфанҳо гаштанд” бўлади. Яъни феъл-кесим ҳам кўплик шаклда турланади. Бу қоида Ҳинд-Европа оиласига мансуб, масалан, рус, тожик тилларида учрамайди.

Афсуски, айрим нашрларда тез-тез: “Одамлар келдилар”, “Барглар тўкилдилар”, “Қўйлар қайтдилар”, деган тилимиз табиатиغا мутлақо зид вариантларга дуч келамиз.

## 3. Махжул даража феълда бир марта кўлланади.

Бу ҳам тилимизнинг “темир” қоидаси. “Келди” бўлса, аниқ даража ҳисобланади. “Келинди” деса, мажжул даража бўлади. Бундаги “н” ана шу мажжулликни билдириб турибди. Шунга қарамасдан, кўп матнларда “қўлланилди” деган шаклга дуч келамиз. Бундаги “н” ҳам, “ил” ҳам — мажжулликни билдиради. Айниқса, диний соҳа вакилларининг амри маъруфларда “ўқилган оятлар”, “қилинган дуолар” дейиш ўрнига “ўқилинган оятлар”, “қилинган дуолар” дейиши охиб тушади.

Адабий тил меъёрлари ҳамма учун бир хил эмасми? Бу билан имомлар ўзларининг билими бошқаларникидан устунлигини кўр-

сатмоқчи бўлишадими? Сабаб нима ўзи?

## 4. “Қатъи назар”ни “қатъий назар” деб ишлатиш.

Тилимизда араб тилидан ўтган “қатъий” деган сифат бор. У худди “табиий”, “илмий”, “бадиий”, “ижтимоий” каби бир шаклда келади. Лекин, ахир, “қатъи назар” деган изофада “қарамасдан” деган маъно мавжуд. “Бундан қатъи назар”, дейилса, “бунга қарамасдан” деб тушунамиз. Бу изофадаги “қатъи” сўзи билан “қатъий” сифати ўзаро пароним, яъни бир-бирига шаклан яқин, фақат бир товушда фарқи мавжуд сўзлар ҳисобланади.

## 5. “Шунингдек” — кириш сўз.

Кириш сўзлар гап бошида келса, охирига, гап ўртасида келса, икки тарафидан ва гап охирида келса, олтидан вергул қўйилади. Бу ҳам қатъий қоида. Лекин кейинги вақтларда расмий-идоравий услубга хос қонунлар ёки қонуности ҳужжатларда “шунингдек” сўзи гап ўртасида келса, фақат унинг олтидангина вергул қўйилаётганига кўп дуч келямиз.

Хўш, гап нимада ўзи?

Ҳамма гап шундаки, рус тилида “шунингдек” маъносини берадиган “а также” кириш сўз ҳисобланмайди ва шунинг учун у гап ўртасида келса, фақат олтидангина вергул қўйилади. Расмий-идоравий ҳужжатлар кўпинча аввал рус тилида тайёрланади, сўнг ўзбекчага ўгирилади. Кейин иккаласи тиши белгилари жиҳатидан ҳам бир хил бўлишига ҳаракат қилинади. Оқибатда ўзбек тилининг “темир” қоидаси кўпол равишда бузилади.

## 6. “Деди” ўзбек тилида кўчирма гапдан кейин келади.

Рус ёки тожик тилида бировнинг айтган гапи келтириладиган бўлса, аввал “деди” келади, кейин ўша айтилган фикр. Асрлар мобайнида адабий тилимизга форс-тожик тилининг кучли таъсири бўлган. Шундай бўлмаганида эди, Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонинда:

Дею: “Қайдинсен, эй мажнуни гумроҳ?”

Дею: “Мажнун Ватандин қайда оғоҳ?” — деб ёзмаган бўлур эди. Яъни, туркий тилининг талабига кўра, “деди” гапнинг охирида келиши лозим эди. Айни савол-жавоб Низомий Ганжавийнинг “Хусрав ва Ширин” ҳамда Хусрав Деҳлавийнинг “Ширин ва Хусрав” достонлари сюжетини йўналишидаги назир бўлгани учун шоир тақлидан шундай форсиёна йўл тутган, албатта. Холбуки, Навоий айнан туркий тил талаби бўйича “демоқ” феълни жумла охирига олиб қўллаган мисоллар ҳам кўп. Масалан, “Наводир уш-шабоб”нинг 483-ғазали матлабига:

Қоши ёсинму дейин,

кўзи қаросинму дейин,

Кўнгулма ҳар бирини

дарду балосинму дейин? —

тарзида соф туркона “темир” қоидага амал қилинган, яъни “дейин” сўзи жумла охирига тушган.

Майли, шеър тили кўчирма гапдан олдин

“деди” сўзини қўллаб, бундай сунъийликка йўл қўйишни кўтаради. Лекин ҳозирги насримизда ҳам туппа-тузук ёзувчиларимизнинг асарларида ҳам: “Фалончи: “...”, — деди”, — тарзида жумла тузиш урчигандан урчиб ётибди.

## 7. “Мазкур” — бошқа, “ушбу” — тамоман бошқа сўз.

Соддароқ қаралса, бу иккаласи ўзаро маънодош, яъни синонимга ўхшаб кўринади. Холбуки, ўртада жуда жиддий ва ўта нозик тафовут бор.

“Мазкур” сўзи араб тилидан олинган. У “зикр этилган”, яъни “тилга олинган” деган маънони англатади. Дейлик бир фармон қабул қилинди. Кимдир уни шарҳ-ляпти. У сўзининг бошида, табиийки, фармоннинг номини тўлиқ келтиради. Кейин эса яна бу номни тўлиқ такрорлаб, гапни чўзиб ўтирмаслик учун “мазкур фармон” дейди. Бунга унинг тўла ҳуқуқи мавжуд. Бу ерда тил қоидаси асло бузилмайди. Талаб шуки, “мазкур” калимасини ишлатиш учун аввал у аниқланган нарса ёки ҳодисани бир бор тилга олинган бўлишигиз керак.

“Ушбу” — соф туркий сўз. Аниқроғи, у “бу” олмошининг мумтош шакли ҳисобланади. Расмий-идоравий услубда сақланиб қолган. Марҳамат. Бунга ҳеч ким қарши ҳам эмас. Масалан, бир фармон ёки қарор қабул қилинапти. Охирида унинг ижроси учун масъуллик кимга ёки кимларга юклатилгани қайд этилади. Шунда “ушбу фармоннинг ижроси” деб ишлатавериш мумкин ва бу жуда тўғри ҳам бўлади.

Бироқ аксарият ҳужжатларда ана шу “ушбу” сўзи ўрнига “мазкур” қўлланади-да. Холбуки, шу ҳужжатнинг ичида уни “мазкур” дейишга тил табиати ҳам, қонунияти ҳам йўл қўймайди.

Хўш, бунга сабаб нима? Бу хатони тузатишга нима ҳалақит қилипти?

Гап шундаки, рус тилидаги “данный” (“данная”, “данное”) сўзи, ўрнига қараб, ё “мазкур”, ё “ушбу” деб ўйрилгани мумкин. Тахминан бундан юз йилча бурун кимдир русча расмий-идоравий ҳужжатлар таржимасида “данный”ни “мазкур” деб ўтирган. Шу-шу, билиб-билмай ҳаммаи “мазкур”ни маъкул кўряпти. Бу хатони тузатиш эса жуда-жуда қийин кечяпти. Чунки кечяги ҳужжатда бу сўз силлиқина ўтган, раҳбарлар индамай имзо чеккан, бугун ҳеч кимнинг янгилик қилишга журъати йўқ. Холбуки, бу янгилик эмас, аксинча, оддийгина ўзбек тилининг “темир” қоидасига амал қилиш, холос.

Биз бу ерда нутқ маданиятида ўзбек тилининг “темир” қоидаларига бепишандлик билан муносабатимизнинг бир қисми ҳақидагина сўз юритдик. Бундай муаммолар эса тил амалиётида тўлиб-тошиб ётибди. Уларга қарши жиддий кураш эълон қилинмас экан, бундай ноқисликлардан қутула олмаимиз.

**Султонмурод ОЛИМ,**  
**филология фанлари доктори,**  
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

## ЖАҲОН АЙВОНИДА

### ФИРЪАВН ТАБИБИНИНГ МАҚБАРАСИ ТОПИЛДИ



Археологлар Қоҳира жанубидаги Сақара ҳудудида олиб борган қазималари давомида Қадимги подшолик даврига оид фиръавн Пепи II нинг табиби мақбарасини топди. Бу ҳақда Миср Туризм ва қадимий ёдгорликлар вазирлиги хабар берди.

Топилма Франция-Швейцария археолог гуруҳи томонидан аниқланган. Улар юқори мартабали давлат арбоблари мақбаралари жойлашган жойда табиби Тети Неб-Фуга тегишли хом гишдан қурилган мастаба (мақбара)ни топган.

Унинг фиръавн Пепи II (эрамыдан аввалги XXIII-XXII асрлар) даврида яшагани ва бир қатор юқори лавозимларда, хусусан, саройнинг бош шифокори, маъбуда Серкетнинг диний маросимлар ўтказадиган ходими, бош тиш шифокори ва доривор ўсимликлар бўйича бошқарувчи лавозимларида ишлагани таъкидланган.

Археологлар гуруҳи раҳбари Филипп Колманинг сўзларига кўра, шифокор мақ-

бараси талон-тарож қилинган бўлиши мумкин, аммо деворларда тасвирлар сақланиб қолган.

### 2024 ЙИЛ ЭНГ ИССИҚ ЙИЛ БЎЛДИ

2024 йил рекорд даражадаги энг иссиқ йил бўлди, бу ҳақда Европа комиссиясининг Ер ҳолатини доимий кузатувчи “Copernicus” дастурига таяниб “Anadolu” хабар берди.



Ҳисоботга кўра, 2024 йил 1850 йилдан бери рекорд даражадаги энг иссиқ йил бўлди. Ўртача глобал ҳарорат 15,1 даражани ташкил этди, бу 1991–2020 йиллардаги ўртача кўрсаткичдан 0,72 даражага ва аввалги рекордчи 2023 йилга нисбатан 0,12 даражага юқори.

Шундай қилиб, 2024 йил 1850–1900 йилларни қамраб олган “саноатдан олдинги давр” ўртача кўрсаткичи 1,5 даражага ошган биринчи йил бўлди. 2023 йилда бу ўртача кўрсаткичдан 1,48 даражага ошган эди.


2024 йил 22 июлда ўртача кунлик глобал ҳарорат бўйича янги рекорд 17,16 даражага етди.

2024 йил январидан июнигача ҳар ой ўтган йилнинг шу ойига нисбатан иссиқроқ

бўлди. 2024 йил ёзи ҳам тарихдаги энг иссиқ фасл сифатида қайд этилди.

### ГРЕНЛАНДИЯ ЎЗ ГЕРБИНИ ЎЗГАРТИРДИ

Дания қироли АҚШ президенти Трампнинг оролни сотиб олиш ҳақидаги баёнотида кейин мамлакат гербини ўзгартириб, унда Гренландия рамзини катталаштирди.



Дизайн Фарер ороллари ва Гренландия устидан назоратни сақлаб қолиш ниятини кўрсатади. Аввалроқ Дания бош вазири Трампга “Гренландия сотилмайди” дея жавоб берганди.

### FACEBOOK VA INSTAGRAM ФАКТЧЕКЕРЛАРДАН ВОЗ КЕЧАДИ

Meta корпорацияси ўзига тегишли платформалар — Facebook, Instagram ва Threads микроплоглар хизматидаги фактчекерлар хизматларидан воз кечади. Бу ҳақда унинг асосчиси Марк Цукерберг ўз видеомурожаатида маълум қилди.



Унинг сўзларига кўра, мавжуд тизим “жуда кўп хатолар ва цензураларни бўлган нуктага етди”. “Шунинг учун биз ўз илди-ларимизга қайтмоқчимиз ва хатоларни қисқартириш, сиёсатимизни соддалаштириш ҳамда платформаларимизда ўз фикрини баён қилиш эркинлигини тиклашга эътибор қаратмоқчимиз”, деди у.

Видеомурожаатида Цукерберг компаниянинг бу қарорга келишига туртки бўлган сабаблар қаторида АҚШда яқинда бўлиб ўтган сайловларни тилга олди. Унинг фикрича, сайловлар “бурилиш нуқтаси”га айланди, шундан сўнг сўз эркинлиги яна биринчи ўринга чиқаётгани аён бўлди.

### ДУНЁ ХАРИТАСИ 250 МИЛЛИОН ЙИЛДАН СЎНГ

Ер юзасидаги тектоник плиталар ҳаракати зилзилалар, тоғ тизмаларининг пайдо бўлиши ва қитъаларнинг сайёра бўйлаб аста-секин силжишига сабаб бўлади.

Миллионлаб йиллар давомида бу жараёнлар қуруқлик массаларининг тўқнашувига, ажралишига ва қайта бирилишига олиб келади, натижада олимлар суперкон-

тинентлар деб атайдиган ҳодиса юзага келади.

Чорак миллиард йил кейинги қитъаларнинг аниқ жойлашувини башорат қилиш осон вазифа эмас. Литосфера плиталарининг ҳаракат тезлиги ва уларнинг ўзаро таъсири каби омиллар ноаниқлик даражасини юзага келтиради.

Шунга қарамай, тадқиқотчилар томонидан келгуси суперконтинент учун тўртта эҳтимолий сценарий ишлаб чиқилди:

**Новопангея:** Бу сценарийда қитъалар Тинч океани томон силжийди ва натижада у бутунлай йўқолади.



**Аурика:** Бу ҳолатда Ҳиндистон атрофдаги қитъаларни ўзига бирлаштирадиган улкан қуруқликнинг марказига айланади.

**Амасия:** Бу моделда Шимолий Америка ва Осиёнинг Шимолий қутби қўшилиб, ўзига хос Арктика суперконтинентини ҳосил қилади.

**Пангея Проксима (ёки Кейинги Пангея):** Энг эҳтимолий натижа сифатида қаралаётган бу сценарий Африка, Америка, Евросиё, Австралия ва Антарктиданнинг улкан қуруқликка бирилишини башорат қилади.





## АБАДИЯТ ОРАЛАБ...

Баркамол сиймолардан мерос оидин хотира, мунаввар тасаввур инсон хаёлида қайта ва қайта жонланавради. Биз Ойбекни кўрган эмасмиз. Дилбар инсон, истеъдодли адиб, лирик шоир, адабиётшунос олим Ойбек тўғрисидаги тасаввуримиз китоблар туфайли пайдо бўлди. Аини чоғда, Ойбекка замондош, уларга ҳамсухбат бўлган табаррук инсонларнинг хотиралари, ёдноmaları биз учун муҳим ва ардоқли. Уша табаррук хотираларни эшитиб, Ойбек дунёсига қайта назар соламмиз. Ибратланамиз...



## МАВЛОНО ОЙБЕКНИНГ МУНАВВАР ЁДИ

Ўн йиллар олдин Тошкент шаҳридаги мактаблардан бирида Мусо Тошмухаммад ўғли Ойбекка бағишланган анжуманда мўсафид Сиддиқхўжа ота хотира сўзлади.

Ота гапини адибга эҳтиром сифатида "мавлоно Ойбек" деган бир жуфт сўз билан бошлаган эди ўшанда. 1965 йили Ойбек тўғрисидаги ҳужжатли фильм суратга олиниши лозим бўлади. Ота айтдики: "Зарифа ота Ойбекни яна дўппида сувератга олинлар, дея тайинладилар. Биз бир-галлашиб ҳозирги "Зарафшон" ресторани ёнидаги ўша замонларда машҳур бўлган миллий кийимлар дўконига кирдик. Сотувчи ёшгина қиз экан. Олиб, кўйиб дўппи танладик. Бири анча тор келди. Бошқаси, энг катта ўлчамдайсини сўрадик. Олиб берди: 62 размер. Ойбекнинг бошига шуниси мос тушди. У сўзлашага анча қўйналари. Фикрини имошора билан аналгларди. Бошига дўппи лойик келганидан қувониб, шу маъқул дегандек кўзлари мамнун чақнади; бош иргаб тасдиқладилар. Дўппи учун пулни биз тўламоқчи бўлдик. Шунда у: "Зари... Зари...", дедилар базўр. Уларидан чиқа туриб Зарифа опанинг "Пул мана шу чўнтакда", деб тайинлаганига ишора қилаётган эдилар. Қанчалик қистасак-да, ўжарлик билан пулни ўзи тўлаши кераклигини аналгдилар. Уст кийимининг кўрақ чўнтақидан олти-еттита қизил ўн сўмликни чиқариб столга қўйди. Сотувчи қиз бу кўп-ку дегандек хайратланди. Сўнгера улардан биттасини олиб, қирқ тийин қайтим

берди. Аниқ эсимда, дўппи тўққиз сўм олтимши тийин турар экан. Мен сотувчи қизга қараб: "Қутлуғ қон", "Навоий" романларини ўқиганмисиз? Унинг муаллифини танийсизми?" дедим оҳиста. Қиз бирдан жонланиб тасдиқ жавобини берди. Сўнга саволимдан озгина таажжубланди ва саволимни менга қаради. Мен эса унга: "Уша китобларни ўзган ҳазрати инсон мана шу Ойбек бўладилар", дедим. Қиз бирдан шошиб қолди. Бирор айб иш қилгандек апил-тапил тортмадан пулни чиқариб дўппи учун ҳақ олмайман, деб туриб олди. Бештиёр кўзлари ёшланди. Гўё ростдан ҳам улкан бир гуноҳ иш қилгандек атрофга аланглади. Қизгина юзини қўллари билан ёпанча унсиз йиғларди. Хурмати-мухлисларининг ҳурмат-эҳтироми чексизлиги – бу энди бебаҳо ҳиссиётдир. Ойбек чин маънода хурмат қозонди, эҳтиромга муносиб яшади. Бунга асло шубҳа йўқ.

Сиддиқхўжа отанинг иккинчи бир хотираси ҳам бевосита Ойбек шахсияти, аниқроғи, адибнинг саховатли бир инсон бўлганини кўрсатади, ота эслаб кетади: "1966 йилда Тошкент зилзасидан кейин аҳолининг кўпчилиги ҳозирги "Истироҳат" мавзесида кўчирилган эди. Табиийки, ҳар

кимнинг ҳоли ўзига маълум. Уй-жой қилишда қийналиб, қўли калталиги боис иморати томини ёпа олмаган бир таниш кампир мавлоно Ойбекдан қарз сўраб келади. Имо-ишора билан базўр гапирадиган Ойбек эски қадрдон-қўшинисининг илтимосини ерда қолдирмасдан пул бериб юборди.

Орадан бир йиллар ўтиб, Ойбекнинг эшиги қайта тақиллайди. Яна ўша таниш кампир. Қарзини олиб келибди. Қарзга берилган пул хаёлидан ҳам кўтарилиб кетган мавлоно Ойбек кампирдан имо-ишора билан аҳвол сўради: "Уй томи ёпилган экан, ичкаридаги тўшовлари қандай? Бола-чақанинг кийим-боши бутми?" мазмунида савол беради. Энди бир амаллаб бошпана қилиб олган фақир ноҳор кўзини ерга қадайдди. Танг ҳолатни адиб сўзсиз ич-ичидан сезади. Ачинади: "Аҳволи яхши эмас". Шунда мавлоно Ойбек кампирнинг қўлидан қарз пулини олиб: "Мана, қарзини бердингиз, қутулдингиз", деган маънони аналгган бўлади ва яна худди шундай имошора билан: "Энди пулни олинг. Эҳтиёж учун сарфлайсиз. Сизга ҳаёда", дейди.

Кампирнинг қарз масъулиятини нақадар ҳис этгани ва мавлоно Ойбекнинг саховати буғун ҳам ҳар кимга ибратдир.

Бу хотирани аввал ҳам кўп эслаб юрдим. Мавлоно Ойбек таваллуди кунлари адиб руҳи шод бўлсин, деган ниятда ёдномами яна бир бор эсга олдим, азизлар.

Баҳодир КАРИМ

## МЕРОС

## Бола бахши туғма чапақай бўлганми?

"Хивада бир ёш бахши чиқибиш, кўрсангиз ҳайрон қоласиз, ўзинан дутори уллимши. Шундин зўр овози бормиши, эшитганлар "тасдиқ" айтадилар".

1908 йилнинг айна баҳорида Хива шаҳрида шундай гап тарқалди. Қурбонназар бахшини эшитганлар уни зўр бериб мақташса, эшитмаган, кўрмаганлар бир кўришга иштиёқманд эди. Бу гап Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Соний – Феруз қулгоига етди. Ферузхон ҳам адабиёт ва санъат шайдоси эмасми, бахшини устози билан бирга саройга чақиртирибди.


Тўққиз-ун яшар Қурбонназар устози Жуманазар бахши ҳамроҳлигида дуторини олиб, хон хузурига киради. Муҳаммад Раҳимхон Феруз кичина бахшидан бир нома эшитиб қўради.

– Кўз деймасин, бу бола бахшига. Устозинга, ота-онанга раҳмат, ўғлим. Камол топ. Бундан кейин сенинг отинг Бола бахши бўлсин, – деб хон Қурбонназарнинг елкасига қоқиб қўяди.

Шу-шу, Қурбонназар Абдуллаев Бола бахши бўлиб Хоразм элида танилди. 1899 йилда таваллуд топган Бола бахши ўн ёшдан қўлида сози билан элга хизмат қилди.

Айтишларига қараганда, Бола бахшининг ажодлари ўз даврининг кўзга кўринган атоқли бахши ва гўнадалари бўлишган экан. Катта бобо-си Усмон бахши ўз даврида хоннинг бахшиси бўлган. Унинг ўғли Авазний бобо ҳам санъат ва адабиётни севувчи инсонлардан эди. Бола бахшининг отаси Абдулла бобо қозилик қилган, дейишади.

Қурбонназарнинг отаси Усмон бободан қолган дуторни ҳеч кимга бермай, сандиқда авайлаб сақларкан. Қурбонназар 3-4 ёшларида касал бўлади. Иситмаси сира тушмайди. Уни табибга кўрсатишади. Табиб шифобахш дамлама беради. Бир кун онаси дамламани сандиқдан олаётганида Қурбонназарнинг қўзи у ердаги дуторга тушади. Бу дутор юз йиллардан зиёд ана шу сандиқда сақланарди. Эмишки, Усмон бахши "Буни қачонлардир менинг қоримни (касбимни) тутган авлодимга беринглар", деб васият қилган. Қурбонназар онасига дуторни олиб беринг, деб хархаша қилади. Отаси рухсат бермайди. Қурбонназар шу пайт хушидан кетиб йиқилади. Юзига сув



селиб, ўзига келтиришади. Энди у йиғлашга тушади. Онаси ноилож дуторни сандиқдан олиб беради. Бола йиғидан тўхтаб, ўзига келади. Кунқундан соғая бошлади.

Қурбонназарнинг хат-саводи чиққач, Усмон бахшидан қолган дoston китобларини ўқиб-ўрганайди. Уша йиллари Хивада Ёдгор буломончи ва Жуманазар бахшилар ном қозонган эди. Қурбонназарни уларга шоғирдликка беришади. Ёш Қурбонназар бу икки бахшидан дутор чалишни, терма ва дostonлар қўйлашни ўрганайди. – Ёдгор буломончи илми дарё санъаткор эди, – деган экан Бола бахши бир гал шоғирдларига. – У кишидан жуда кўп нарса ўргандим. Бола бахши бўлиб танилишимда шу устозларимнинг ҳиссаси катта.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганда Бола бахшига ҳам чақирққ қоғози келади. Бу хабарни эшитган хиваликлар қўлига илинган егулик, иссиқ кийим олиб, уни кузатишга чиқади. У пайта жангга отланганлар от ва эшак араларда, кўпчилиги эса пойи пийеда Чолишга қараб йўлга чиқишган. Кейин Амударё орқали кемада Чоржўйгача боришар, ўша ердан поездада фронтга йўл олар эди.

Катта майдон урушга кетаётганларни кузатувчилар билан гавжум. Бола бахши ўтирган от арава ичи халқ берган егулик ва кийим-кечак билан тўлиб кетади. Шу пайт узоқдан бир киши қўлида йўракланган чақалоқни маҳкам бағрига босганича оло-

монни ёриб олдинга ўтади.

– Бахши бува, ўғиллик бўлдим. Мана шу болани бир қўлингизга олинг. Яхши ният қилинг. Сизнинг урушда ўлиб кетишга ҳаққингиз йўқ. Шу боланинг суннат ва фарз тўйларидан хизмат қилгайман, деб ният қилинг, – деб у чақалоқни Бола бахшига узатади.

Бола бахши гўдакни қўлига олиб, ният қилади ва пешонасидан ўпади. Халқ ўзининг суюкли бахшисини шу тариқа фронтга жўнатди. Бир ярим йилча жангҳоҳларда қон кечган Қурбонназар оғир жароҳат олиб, юртига қайтиб келди.

"Ризқ-насибам бор экан, одамлар ният қилганда фаришталар омин, деган эканми, ўша боланинг суннат ва фарз тўйларини созу суҳбат билан ўтказиш менга насиб этди", деб эслаган экан у киши.

Бола бахши урушда ўнг қўлидан ярадор бўлган. Шу боис анча вақт дутор чалишининг уддасидан чиқолмай қийналади. Чунки у киши дутор чертмасдан дoston қўйлай олмас эди. Натижада минг машаққат билан чап қўлида соз чалишни ўрганди. Шу-шу, Бола бахши чапақай бўлиб қолди.

Бахшининг ижодий репертурида "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам", "Ошиқ Маҳмуд", "Бозиргон", "Хирмондали", "Авазхон", "Кампир", "Қирқмин", "Сафар қўса" каби 20 дан кўп дoston бўлган. Шулардан "Бозиргон" дostonи 1965 йилда, "Авазхон" дostonи 1967 йилда ёзиб олинди, нашр этилган. У ҳаёти давомида жуда кўплаб санъат анжуманларида иштирок этган. Хусусан, 1937 йилда Москвада ўтказилган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасида, 1938 йили Ўзбекистон халқ ижодчилари олимпиадаси, халқаро Олтойшунослар фольклор анжуманида ўз санъатини намойиш қилган. 1938 йили у киши "Ўзбекистон халқ дostonчиси" фахрий унвонига сазовор бўлган.

Бола бахши ҳаёти давомида юздан зиёд шоғирдлар етиштирди. Комилжон Отаниёзов, Ивот бола, Отахон бахши, Қаландар бахши Норматов, Карим бахши Отамуродов, фарзандлари Матёкуб, Матназар, Давлатназар, Ўзбекистон халқ бахшилари Норбек ва Етмишқой Абдуллаев ана шулар жумласидандир.

Болабаой  
МУҲАММАД ҚУРБОН

## НУҚТАИ НАЗАР

"Иқтисод деб пул ва мол каби нёзматларнинг қадрини билмакни айтилур... Оламдаги ҳамма миллатларнинг ҳол ва қудратлари мол ва бойликлари ила ўлчанур..."

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний "Иқтисод нима?" деган саволга шундай лўнда жавоб берганлар. Мутахассислар Япониянинг юксак тараққиётга эришишига маънавият – иқтисодий ривожланишнинг асоси этиб белгилангани сабаб бўлганини, дунёда иқтисодий тараққиётни орта сураётган асосий омиллар ҳам маънавият билан боғлиқ эканлигини таъкидлашади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Бизнинг иккита ўқ томиримиз, иккита таънч устунимиз бор: бири – иқтисодиёт, бири – маънавиятдир. Маънавий буюк халқ – иқтисодий томондан ҳам буюк бўлади", деб бежиз айтмаган. Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий каби буюк ажодларимиз ҳам тараққиётда ахлоқ ва маънавиятнинг ўрни бебаҳо эканини таъкидлайди.

Ҳозирги нотинч замонда дунё иқтисодиётида юз бераётган тенгсизлик ва тартибсизлик, атроф-муҳитга беаёв таҳдидлар ва иқлимнинг кескин ўзгариши мисли қўрилмаган муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу ўз навбатида, иқтисодиёт билан бирга ахлоқий масалаларга ҳам жуда жиддий ёндашув заруратини ўртага чиқарди. Хоссатан, биз таълимга иқтисодий фанлар қатори маънавий билимни ҳам киритмас эканмиз, моддий ва маънавий мувозанатни қадрлайдиган ёш кадрларни тарбиялай олмаймиз.

## ЎТМИШГА БИР НАЗАР

Ҳазрат Алишер Навоий ижодида ҳам ти-



жорат ва савдо иши маъқулланади, аммо товламачи ва чайқовчилар қораланади. Хусайн Бойқаро тахтга чиқиши муносабати билан ёзилган "Ҳилолия" асари Навоийнинг иқтисодий фикр ва ғоялари илгари сурилган дастлабки асарни ҳисобланади. Улуғ шоир бу воқеани зулмат қоронғисини ёритадиган "хилол", яъни уч кунлик ой билан тенглаштиради. У бундан буён мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий қудрати ошиши, халқнинг ижтимоий ва моддий аҳволи яхшилланиши, урушларга барҳам берилиши, юртда тинчлик ўрнатилишига ишонади.

Ҳақиқатан ҳам, Хусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида мамлакатда қатор ижобий силжешлар кузатилди. Савдо-сотик кенгайиб, ҳунармандлик ва деҳқончилик ривож топди. Сув иншоотларини куриш қўлайди. Навоий юрт учун суғориш тизимини кенгайтириш иқтисодий ривожланишга олиб борувчи муҳим омиллардан биридир, дейди. Унинг бевосита раҳнамолигида ўша пайтада етмишдан ортиқ канал ва ариқлар қазилган.

### БУЮК ИПАК ЙЎЛИ – МАЪРИФАТ ЙЎЛИ

Биз бугун жаҳон халқларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, вақтинлик билан ҳолисона иш тутиш, илғор ва инсонпарварлик манфаатларига хос бўлган ижобий тажрибаларни ўрганиш, тарих синовидадан ўтган урф-одатларни, бой анъана ва миллий қадриятларни доимо асраш ва уларни янада ривожлантириш орқали ёшларимизни турли маънавий бўҳронлардан асрашимиз мумкин.

Тарихдан маълум, юртимизнинг иқтисодий ривожланишида Буюк ипак йўлининг аҳамияти жуда катта бўлган. Бу йўл миллоддан аввалги II асрдан то миллодий XV асргача Хитой, Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Эрон, Яқин Шарқ ҳамда Ўрта денгиз мамлакатлари орасида савдо-сотик ва маданий алоқаларнинг ривожига муҳим ўрин тутган.

Манбаларга кўра, Тинч уммондаги Сарик денгиз киргоғида, Хуанхэ дарёси бўйида жойлашган Сиан шаҳридан бошланган ушбу йўл дастлаб Ланчжоу орқали Хўтангача келган, у ерда иккига ажралиб, бири шимоли-ғарбга,

иккинчиси жануби-шарққа йўналган. Бизга пилладан ипак олиш усули Хитойдан кириб келган бўлса, хитойлар биздан зотдор отларни сотиб олган ва узум, беда етиштириш сирларини ўрганган.

Шунингдек, юртимизда қадимдан қимматбаҳо қоракўл тери олинадиган наслдор қўйлар парвариланган. Уларнинг териси билан савдо қилиш катта аҳамиятга молик эди. Аждодларимиз сифатли пўлат тайёрлаш сирларини ҳам яхши билган. Улар ясаган асбоб-ускуналар сифати ва нафислиги билан ажралиб турган. Манбаларда қадимда битта қилинчнинг баҳоси бир фил нархига тенг бўлган қайд этилган. Ипак чиқиндиларидан тайёрланган Самарқанд қоғози эса нафислиги, чидамиллиги ва узоқ вақт сақланиши билан дунёга машҳур эди. Шу боис ўзга юртларда уни машҳур Миср қоғозидан ҳам устун қўйишган. Энг қимматли битиклар Самарқанд қоғозидан ёзилган. Ана шундай кўҳна китобларнинг ҳозиргача сақланиб қолганининг сири ҳам қоғознинг сифати билан боғлиқ. Ипақдан қоғоз олиш технологияси 1924 йилгача Қўқон-

да қўлланган, аммо советлар даврида унга барҳам берилган.

### ХУЛОСА ЎЗИНГИЗДАН!

Жамиятнинг иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ муносабатларда маънавият масалалари, хусусан, инсонпарварлик талаблари ва мейёрлари ҳисобга олиниши лозимлиги тарихий ҳақиқат. Бу эса маънавиятнинг иқтисодий ривожланиши, ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқ эканлигини кўрсатади. Аксинча бўлса, ахлоқий муносабатлар таназзулга учрайди, одамлар ўртасида ётсираш, беғоналашиш кучаяди. Бу ҳол охир-оқибат ижтимоий-иқтисодий таназзул билан якун топиши мумкин.

Кейинги йилларда иқтисодиёт ва маънавиятнинг ўзаро умумий боғлиқлиги ва бир-бирига таъсири қонуниятидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодий ва маънавий жараёнларнинг уйғун ривожланиб боришига алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки маънавият ва иқтисодиёт бир-бирини инкор этмайди, аксинча қўллаб-қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради.

Айни даврда иқтисодий ислохотларнинг янги, юқори босқичига ўтиш жараёнида ишлаб чиқариш тармоқлари жадал ривожланиб, иқтисодий юксалишга хизмат қилмоқда. Бу эса фан, маданият ва маънавият тараққиётига ижобий таъсир ўтказмасдан қолмайди. Маънавияти қашшоқ кишилар нопок, фирибгар, порохўр, ўғри, қаллоб, Ватан ва миллат манфаатларига бефарқ қарайдиган тўдага айлиниши ҳеч гап эмас.

Янги Ўзбекистонни бунёд этишда иқтисод ва маънавиятнинг ўзаро мутаносиб, муштарақ ривожланишига аҳамият бериш лозим. Шундагина мамлакат ва жамият иқтисодий тараққиёт поғоналаридан узлуксиз юқорига кўтарилиб боради.

Нодир ҚОСИМОВ,  
Олий таълим, фан ва  
инновациялар вазирлиги  
бошқарма бошлиғи



Бошланиши 1-саҳифада.

## ОТАЛАР ЁҚҚАН МАЁК

1922 йилда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бу тўғараклар иши билан танишади. Кўн, Фаргона, Намангандан артистларни олиб келиб, театр труппаси ташкил қилади. Отам пьесаларни саҳналаштириш ишларида Ҳамзага яқиндан ёрдам берган. Уларнинг ижодий ҳамкорлиги фотосуратларда муҳрланган.

1926 йилга келиб, давр тақозоси билан жойларда аёлларнинг паранжи ташлаш ҳаракатлари бошланган эди. Отамнинг ота-онаси ҳам замонасининг илғор фикрли кишилари бўлгани боис бувимиз биринчилардан бўлиб паранжидан воз кечган.

Отам ҳалол яшаган, сидқидилдан ишлаган. Халқни янада кўпроқ билимли қилишга интилган. Бу йўлда куч-ғайратини аямаган. У киши комсомол ташкилоти саҳифадаги самарқандлик энг фаол ёшлардан бири сифатида эътиборга туша бошлаган. 1926 йилда отамни билимдон ва ташаббускорлиги сабабли Москвадаги олий ўқув юртига ўқишга жўнатишади. Натияжада отам "Рабфак"да ўзбекистонлик икки юзга яқин ёшлар билан бирга тўрт йил ўқийди, тил ўрганади. Ўзининг айтишича, ўша пайтда отам саккиз тилда бемалол гаплаша олган. Ўқиш билан бир пайтда таржимон, сўнгра масъул котиб ва кейинроқ махфий хизмат бўлимида бошлиқ ўринбосари сифатида ҳам фаолият олиб борган.

Таҳсилдан сўнг онам қаттиқ бетоб бўлиб қолгани туфайли Самарқандга қайтади. Агар шу воқеа бўлмаганда отам Москвада бутунлай яшаб қолиши мумкин эди. Чунки ўша йили Тимирязев номидаги Қишлоқ хўжалиги академиясига ҳам имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, ўқишга қабул қилинган экан.

Отам ватанга қайтгач, Ўзбекистон давлат университетининг аспирантурасига ҳужжат топширади. Бу ерда у кишига таниқли тарихчи олим, профессор Пўлат Солиев илмий раҳбар бўлган ва устозлик қилади. Аспирантуранга тугатгач, отам шу йилга ишга олинади ва шижоат билан илмий фаолиятини бошлайди.

Афсуски, машъум қатагоннинг совуқ нафаси Самарқандга ҳам етиб келган эди. Отамни 1937 йилнинг август ойида уйдан олиб кетишади. Бу пайтда у Самарқанд шаҳар маориф мудири лавозимида ишлаётган эди. Эртаси куни НКВД ходимлари уйимизни тинтув қилиб, отамнинг барча китобларини қўлғамалари, ҳужжатларини машинага босиб кети-

шади. Бу шахсий буюмлар кейинчалик ҳам қайтарилмади.

Отам то тергов изоляторига киргунича ўзини қамоққа олишганини сезмаган, буларга таржимон сифатида керак бўлдим, шекилли, деб ўйлаган.

Жамият фаоли сифатида отам қўл остидаги ходимлари билан дўконлар фаолиятини ҳам назорат қилган ва тўғри ишламаётган дўконларни ёптирган. Ўзимизча ўша дўконларнинг эгалари чакув хати ёзишганимкин, деб ҳам тахмин қиламиз. Нима бўлганда ҳам биз ҳалигача шундай билимли, иқтидорли одамни нима сабабдан қамаб юборишганини билмаймиз.



Отам ўн ой Самарқанддаги қамоқхонада тергов қилинади. У киши дастлаб бир англашилмовчилик бўлган, тез орада мени қўйиб юборишади, деган хаёлда бўлади. Аммо устози Пўлат Солиевнинг ҳам иши терговда эканидан хабар топгач, "шундай профессорни қамашибди-ми, менинг бу ердан чиқишим даргумон", деб тушунлиққа тушади. Тақдирнинг қора тортаётганига илоҳисиз тан беради.

Тергов ҳибсхонасида эллик кишилик жойга бир юз эллик одамни жойлаштиришадилар. Шу боис кимдир ўтирадиган бўлса, бошқаси тик туришга мажбур бўларди. Отам соч-соқоли оқариб, ёши бир жойга бориб қолган азиз устози Пўлат

Солиевга жой бериб, унга меҳрибонлик қилади. Бечора профессор қамоқхонада ҳам маҳбۇсларга илмий маърузалар ўқийди, шу тариқа эрта-индин озодликдан маҳрум этилиши ёки отилиши мумкин бўлган бахтсиз инсонларнинг юрагига умид чироқларини ёқиб туради.

1938 йилда етук олим Пўлат Солиев отувга ҳукм қилинади. Отамни эса ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этиб, Куйбишев (ҳозирги Самара) шаҳридаги қамоқхонага жўнатишади. Қамоқхонада ҳамон изтироблари, кўрган қийинчиликлари ҳақида хотира ёзиб, бизга мерос қолдирган.

Тез орада уруш бошланиб, маҳбۇслар қамоқхона яқинидаги заводларда кул-яроғ, ўқ-дори ясаш ишларида жалб этилади. Отам маъмуриятдан ўзини фронтга юборишларини кўп бор сўрайди. Қамоқхонада маҳбۇсларни иккига бўлиб, уларнинг биринчи гуруҳини урушга юборишади, бахтга қарши отам бу сафга киритилмади.

Отам 1947 йили юртга қайтганидан кейин ҳам беш йил давомида шартли равишда озодлик ҳуқуқидан маҳрум яшайди. Қўлида шахси ва маълумотини тасдиқлайдиган бирорта ҳужжати бўлмагани туфайли ишга кира олмай юрганида, бир пайтлар ўзи таълим берган ўқувчиси Оқдарё совхозига директор бўлиб қолади-ю, отамни бирга ишлаш учун қақиради. "Совхоз иқтисодиёти аянчли ҳолатда, уни биргаликда кўтарилик", дейди. Чунки отам нафақат тарихчи олим, балки ер ишлари, деҳқончилик ва боғдорчиликни ҳам аъло даражада билладиган инсон эди. Ҳаётлик чоғларида у кишини "Мичурин" деб ҳам аташарди.

Отам кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлаб, совхознинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилаш учун бор кучини сафарбар қилади. Гарчи йўқ айби учун "халқ душмани" дея аталиб, оғир қамоқ ҳаётини бошидан ўтказган бўлса-да, руҳиятини чўктирмайди. Сурункали кўквос касаллигидан азият чекиб, ишга яроқсиз бўлиб қолганида ҳам Мирзо Улуғбек расадхонасини қайтадан тиклаш ишларида бош қўшади. Отам расадхонани қайта тиклаш учун Москвага хат ёзган экан. Юборган мактубида Мирзо Улуғбекнинг астрономик изланишлари

тўғрисида бутун дунёни хабардор қилиш мақсадида бу жойда мемориал музей қуриш лозимлигини таъкидлайди.

1960 йилларда рус археологи Василий Вяткиннинг саъй-ҳаракатлари туфайли аниқланган Мирзо Улуғбек расадхонаси харобалари гишт билан ўраб қўйилган, иншоот атрофи хароба ҳолатда эди. Отамнинг мактуби туфайли муаммони ўрганиш учун бир гуруҳ мутасаддилар юборилади. Мен ўшанда 10 ёшли қизалоқ эдим. Отам келганларга ўша жойни кўрсатиб, тарихчи сифатида уларга маълумот берганига гувоҳ бўлганман. Орадан кўп ўтмай, у кишининг орзуси ушалди. Кўҳак ҳудудига Мирзо Улуғбек расадхонаси яна қад кўтарди. Отам умрининг сўнгигача шу расадхонага қоровуллик қилди.


У жуда долғали, шу билан бирга, мазмунли ҳаёт кечирди. Ўз даврининг энг илғор кишилари саналган Вадуд Маҳмуд, Раҳим Ҳошимий билан яқин дўст, маслақдош эди. У кишининг Садриддин Айний билан ҳам алоқалари яхши бўлиб, домла баъзи асарларини отамга таржима қилдирган.

Отам бизга сездирмасликка ҳаракат қилса-да, оғир бетоб эди. Совуқ ўлкаларда бошига тушган азоб-уқубатлар ўз таъсирини кўрсата бошлаган эди. Шундай бўлса-да, у ҳеч қачон тушкунликка тушмади, бизнинг хотирамизда ҳаммиша сергайрат ва ташаббускор инсон сифатида муҳрланиб қолди. Отам етти нафар фарзанднинг ҳаммасини ўқитиб, олий маълумотли қилди. Кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳридаги машҳур хиёбонга экилган улкан чинорларда ҳам отамнинг қўллари тафти борлигини ўйласам, юрагим тўлқинланиб кетади.

Сўзимнинг охирида ҳурматли Президентимизнинг жадидлар олға сурган гоъллари бугунги кунларимизга татбиқ этаётганининг ўзи янги жадидлик ҳаракати эканини айтмоқчиман. Катта илмий салоҳиятга эга бўлган, аммо энг кучга тўлган даврида орзулари рўёга айланган зиёли бир инсоннинг фарзанди сифатида юртимизда ушбу эзгу ҳаракат ҳеч қачон тўхтамаслигини, оталар ёққан маёқ асло ўчмаслигини тилаб қоламан.

Муҳайё ПИРНАҒАСОВА ёзиб олди.

ХОТИРА АЗИЗ



## ҚАТАҒОН

## ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

**Абдулла Тошмуҳаммедов** – 1889 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Октябрь тўнтарышига қадар чилангарлик қилган. 1919 йилдан ВКП(б) аъзоси, сиёсий фаолияти Фрунзе тумани партия комитетининг секретари вазифасига ўтган пайтдан бошланган.

1937 йилнинг 1 сентябрида Абдулла Тошмуҳаммедов НКВД ходимлари томонидан ҳибсга олинган. У "Миллий истиқлол" ташкилотига аъзо бўлганликда, Ўзбекистонни Совет Иттифоқидан ажратиб, мустақил буржуа-демократик давлат барпо этиш йўлида хизмат қилганликда айбланган. Абдулла Тошмуҳаммедов партиянинг ички сиёсий дастурлари, Ўзбекистондаги иқтисодий-сиёсий ҳолат ҳақидаги маълумотларни Мунаввар қори Абдурашидхонга етказиб турганликда, 1935 йилдан 1937 йил май ойигача Ўзбекистон КП(б) Марказий Қўмитаси томонидан партиядан халқ душманлари – троцкистлар ва миллатчилар ишларини қўриб чиқиш бўйича инструктор сифатида ишлаётган вақтида аксилингилбчилик тўғрисидаги материалларни яширганликда айбланиб, 1938 йилнинг 4 октябрида СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясида отувга ҳукм қилинган. Жазо ўша кунгек ижро этилган. Орадан бироз вақт ўтиб, 1956 йил 12 декабрда Абдулла Тошмуҳаммедов тўлиқ оқланган.

**Карим Икромов** – 1893 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Унинг акаси Акмал Икромов Ўзбекистон Коммунистик партиясининг биринчи котиби сифатида мамлакатимизнинг сиёсий тарихида муҳим ўрин эгаллаган. Карим Икромов 1918 йилдан большевиклар коммунистик партияси аъзоси, ҳибсга олинганга қадар Тошкент шаҳар Октябрь райони партия кенгашининг раиси бўлиб хизмат қилган. У 1937 йилнинг 6 октябрида ҳибсга олинган. "Миллий истиқлол" ташкилотига аъзо бўлганликда айбланган. Карим Икромов 1926 йилда акаси Акмал Икромов томонидан бу ташкилотга жалб қилинган. Бу ташкилот ўз олдига Совет ҳокимиятини ағдариш, миллий буржуа давлатини барпо этиш, Ўзбекистонни Совет Иттифоқидан ажратиб олишни вазифа қилиб қўйган. Карим Икромов 1936-1937 йилларда коммунистик режаларни бажармасликда, қурилиш ва таълим соҳаларида бузғунчилик ҳаракатларини содир этганликда айбланиб, ЎзССР Жиноят кодексининг 58, 63, 64 ва 67-моддалари бўйича айбдор деб топилди, 1938 йил 4 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр сессиясида отувга ҳукм қилинган.

**Қосим Сорокин** – 1899 йилнинг декабрида Ульяновск губерниясида туғилган. Миллати татар. 1919 йилдан ВКП(б), 1929 йилдан қасаба уюшмаси аъзоси бўлган. Ўзбек, рус тилларини билган. 1921 йили Шарқшунослик институтини ташкил қилган. 1918 йил ўзбек совет бошланғич мактабда ўқитувчи, 1918-1920 йилларда Фаргона область халқ маорифи бўлимида йўриқчи, область мусулмонлар бюроси тарғибот-ташвиқот бўлими мудири, "Янги шарқ" газетасида, область сиёсий бўлимида ахборот бўлими бошлиғи, уезд-шаҳар партия комитетида тарғибот-ташвиқот бўлими мудири, 1921 йилдан Қўқонда чиқаётган "Меҳнат байроғи" газетаси масъул муҳаррири, 1922-1929 йиллар Тошкентдаги "Турк РОСТА"да ташкилотчи-йўриқчи, "Қизил байроқ" газетасида ва қатор нашрларда муҳаррирлик қилган. 1923-1924 йилларда "Озод Бухоро" газетасида масъул муҳаррир, 1924-1926 йилларда Москвада ВКП(б) Марказий Комитети матбуот бўлими йўриқчиси, 1926-1929 йилларда Самарқандда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида матбуот бўлими мудири ўринбосари, 1927-1929 йилларда "Қизил Ўзбекистон" газетаси масъул муҳаррири, 1930-1931 йилларда ЎзКомпартия Марказий комитети матбуот сектори мудири, "Ўзбекистон" нашриётида муҳаррир вазифасида ишлаган. ЎзКомпартия Марказий Комитети бюроси 1936 йил 13 июнда Қосим Сорокинни ЎзССР халқ маорифи комиссари қилиб тайинлаган.

У "Миллий истиқлол" ташкилоти аъзоси бўлганликда, ЎзКомпартия МК биринчи котиби Акмал Икромовнинг шахсий кўрсатмасига кўра, ташкилотнинг асосий вазифаси – Ўзбекистонни Совет Иттифоқидан ажратиб олишни амалга ошириш мақсадида, Сталин районидида кўзғолончи ячайкаларни ташкил этиш бўйича тайёргарлик ишларини олиб борганликда айбланиб, 1937 йил 4 октябрда ҳибсга олинган. Тошкентга келган СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 4 октябрдаги сайёр ишларида Қосим Сорокин отувга ҳукм этилган. Кейинчалик КПСС XX съездидан сўнг (1956 йилда) реабилитация қилинган.

**Рустамбек ШАМСУТДИНОВ**, тарих фанлари доктори, профессор, **Ўқтамбек УБАЙДУЛЛАЕВ**, тарих фанлари номзоди, доцент, **Азизбек МАҲКАМОВ**, тарих фанлари номзоди, **Нигорахон АКБАРОВА**, тадқиқотчи  
(Давоми келгуси сонда).

### ЖАДИД МАТБУОТИ

XX аср бошларида Туркистонда кечган мураккаб вазият, воқеа-ҳодисаларнинг асл моҳиятини халққа етказишда ҳамда англантишда миллий матбуотнинг ўрни ва роли беқиёс аҳамиятга эга бўлганлиги маълум. Матбуот – ана шундай мураккаб даврда, қарамлик ҳолатига тушиб қолган Туркистон заминидида зиёлилар учун миллий ҳақ-хуқуқ талаб қилинадиган, халқнинг арзу додини мустамаккачи сиёсий элитага етказадиган минбар вазифасини ўтади. Гарчи, газета-журналларнинг адади жуда кам миқдорда бўлса ҳам, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий таъсири улкан аҳамиятга эга бўлди.

Ана шундай нашрлардан бири ҳисобланган "Ёш Туркистон" журнали 1929-1939 йилларда большевикларнинг зулми ва истибодоти натижасида она ватанини тарк этишга мажбур бўлган туркистонлик зиёлилар томонидан Франциянинг Париж шаҳрида чоп этилди. Журнал ўзида Туркистон халқининг орзу-умидларини, дард ва аламларини дадил руҳ, баланд овоз ҳамда миллий манфаатлар нуктаи назаридан ёритгани билан алоҳида ажралиб турди.

Журналнинг илк сони 1929 йилнинг декабрь ойида чоп этилган. Ушбу нашрнинг мақсади Туркистон Мухториятининг собиқ бош вазири бўлмиш Мустафо Чўқай томонидан ёзилган "Бизнинг йўл" номли илк мақолада аниқ ва лўнда шаклда келтирилган: "Янгида чика бошлагон ҳар бир сиёсий мажмуа ва газетанинг ўқувчиларига ўз сиёсий гою, йўли ҳам мақсадини танитиб кетиш одати бордир. Қонун ҳолига кириб қолгон бу одатга биз ҳам ияримиз (эрга-шамиз). Йўлимизни англантиш учун узун изоҳларга эҳтиёж йўқ. Йўлимиз ва мақсадимиз: "Биз Туркистон истиқлолчилари элимизнинг эрки ва юртимиз Туркистоннинг кутулиши учун курашамиз" жумласинда хулоса этила биладир. Туркистонликларга бундан бошқа йўл йўқ, бўла олмас ва бўлмасин", деб ёзди.

Ҳар сонни ўртача 40 саҳифали "Ёш Туркистон" журнали бир неча бўлимдан иборат бўлган. Журналнинг бош мақолалари Мустафо Чўқай, Абдулваҳоб Ўқтой ва Тоҳир Чигатой томонидан ёзилган. Мустафо Чўқайнинг "Ёш Туркистон"

## МУҲОЖИРЛАРНИНГ НАШРИ АФКОРИ

журналида чоп этилган мақолаларига назар ташласак, унда XX аср бошларидаги Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва фалсафий муаммолари теран фикрлар ва танқид асосида муштарийларнинг диққат-эътибори марказига олиб чиқилганига гувоҳ бўламиз. Масалан, у тарихнинг моҳияти ҳақида тўхталар экан, уни ёзишда муаррих адолатли бўлиши кераклигини, тарихдаги воқеа ва ҳодисаларга доимо холислик нуктаи назаридан туриб баҳо бериш шартлигини таъкидлайди.

Дастлаб Мунаввар қорининг "Наму-



Чапдан: Тоҳир Чигатой, Мустафо Чўқай ва Абдулваҳоб Ўқтой.

на" мактабидида таҳсил олиб, сўнгра бир гуруҳ туркистонлик ёшлар билан биргаликда Германияга ўқишга юборилган Тоҳир Чигатой ва Абдулваҳоб Ўқтой ҳам "Ёш Туркистон" журналича мақолалари билан фаол иштирок этган.

Тоҳир Чигатой журналда "Туркистонда мактаб сиёсати", "Ҳиндистон-Туркистон", "Туркистонда Русияга қарши исёнлар", "Унутилмас тарихий ваҳшийлик", "Анджон кўзғолони ҳақида", "Туркистонда 1916 йил исёни", "Туркистондаги ер ости бойликлари", "Туркистондаги совет матбуотига бир қараш", "Туркистонда очлик", "Туркистонда маориф иш-

лари" ва бошқа шулар каби қатор мақола-ларини эълон қилди.

Тоҳир Чигатойнинг "Йўлбошчимиз Мунаввар қори" номли мақоласи "Ёш Туркистон" журналича 1934 йил 50-сонидида чоп этилган. Унда муаллиф Туркистон жадидларининг етакчиларидан бири бўлган Мунаввар қорининг ўлка тараққийпарварлик ҳаракатида тутган ўрни тўғрисида мулоҳаза юритган.

Абдулваҳоб Ўқтой ҳам журналда мақолалари билан фаол иштирок этган. Мазкур журналда унинг жами 84

мақоласи эълон қилинган. Шулардан 20 тасини "Абдулваҳоб", 20 тасини "Жанай", 25 тасини "Тўқтамиш ўғли" ва 19 тасини эса "Илтар" тахаллуслари остида чоп эттирган.

Жумладан, Абдулваҳоб Ўқтой журналнинг 1930 йил 3-4-сонларида "Жанай" имзоси билан эълон қилган "Босмачилиқ тўғрисида" номли мақолада Туркистондаги коммунистик даврий матбуотда "босмачилиқ" атамаси қўлланаётганлиги аътироз билдириб, "асл босмачилар большевиклар ҳукуматининг ўзидир", деган фикрни ўртага ташлайди.

Шу билан бирга Ўқтойнинг "Туркистон култур асарларининг оқибати" деб номланган мақоласи ҳам долзарб аҳамиятга эга. Муаллиф ушбу мақолада Совет ҳукумати томонидан ўлка халқининг миллий-маданий меросига нисбатан ваҳшиёна хиёнатларини очиб-ойдин танқид қилган.

Жумладан, у "XII-XV асрлардан ҳозирге кунгача сақланиб келинган тарихий бинолар динамит воситасида шараб этилиб, ҳавога учирилмакда ва Туркистоннинг хонсаройлари деворлари остидаги мрамар тошлар кўпорилиб, кўприклар учун ишталагани олиб кетилмакдидир. Масалан, Хива шаҳринидаги "Гўрунушоҳ"нинг мрамар безаклари маҳаллий хўжалиқ бўлими тарафидан кўчирилиб, кўприкка ишталаган бўлса, Хўқондаги Муҳаммад Алихон мадрасаси бузилиб, унинг ҳам деразалари кўприкка иштатилгандир", деб миллатнинг маданий меросига нисбатан большевиклар томонидан кўрсатилаётган варварларча муносабатга кескин норозилигини билдирган.

Шу билан бирга, журнал саҳифаларида, юқорида исмлари зикр этилган шахслардан ташқари, жами 87 та муаллифнинг мақолалари чоп этилган.

Улардан Абдурауф Фитрат, Муфтий Садриддинхон Шарифхўжаев, Абдулҳамид Чўлпон, Мағжон Жумабой, Элбек, Аҳмад Ҳокий, Абу Наср Ҳожи каби зиёли шахсларни эслаб ўтиш мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, 1929-1939 йилларда чоп этилган "Ёш Туркистон"нинг 117 та сонидидаги мақола, шеърлар, большевикларнинг зулми ва истибодоти натижасида она юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган оқдомон инсонларнинг аччиқ хотиралари бизни доимо олоғлиқка чорлаб туриши лозим, деб ҳисоблаймиз.

**Муслимбек АЛИЖОНОВ**, **Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети катта ўқитувчиси**



## МАЗЗУГА ҚАЙТИБ...

Адлия вазирлигининг баёноти медиамаҳсулотларнинг одоб-ахлоқ нормалари, маънавий қадриятларга мувофиқлигини баҳолаш ва тегишли чоралар кўриш зарурлигини инкор этмайди.

Адлия вазирлиги Республика Маънавият ва маърифат марказининг бир нечта ташкилот билан биргаликда қабул қилган медиамаҳсулотларни "маънавий экспертиза"дан ўтказишни жорий этиш тўғрисидаги қарор бекор қилинганлигини маълум қилди.

Шу билан медиамаҳсулотларнинг маънавий экспертизаси зарур ёки зарур эмаслиги масаласига нукта қўйилади? Асло йўқ. Чунки такрор бўлса ҳам таъкидлаш керак: маънавий экспертизанинг зарурлиги Конституциямиз, оммавий ахборот воситалари ва маданият ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи қонунларимиз нормаларидан келиб чиқади.

## АНГЛАШИЛМОВЧИЛИК

Нуфузли ташкилотлар биргаликда қабул қилган қарор ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида ижобийга қараганда кўпроқ салбий баҳолашни ва кўп ўтмай бекор қилиниши медиамаҳсулотлар масаласида жамоатчилигимизда ҳам, мутасадди идора ва ташкилотларда ҳам тушунмовчиликлар, англашилмовчиликлар, янглиш қараш ва ёндашувлар борлигининг ифодасидир. Англашилмовчилик, хусусан, қуйидагилардан иборат:

**Биринчидан,** Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуни 4-моддасига мувофиқ умуммажбурий ҳужжатларни давлат органлари қабул қилиш ҳуқуқига эга. "Маънавий экспертиза"ни жорий этиш бўйича

қарор қабул қилган ташкилотлар қаторида бундай ваколатга эга бўлмаган нодавлат ноижорат ташкилотлари – Республика Маънавият ва маърифат маркази ва Миллий медиа бирлашмаси бор. Бунинг устига, қарор қабул қилинганлиги ҳақида дастлаб Республика Маънавият ва маърифат маркази бу ҳақда ахборот берди ва ушбу ташкилот қарор қабул қилган ташкилотлар қаторида биринчи келтирилган. Бундан Марказ қарорнинг ташаббускори ва асосий ишлаб чиқувчиси, деган хулоса келиб чиқади. Бундай ташаббусни, албатта, олқишлаймиз. Лекин қонунчиликка мувофиқ қарорни, **агар шундай қарор керак бўлган тақдирда,** давлат ташкилотлари, энг аввало Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва Маданият вазирлиги қабул қилиши керак эди.

**Иккинчидан,** юқорида келтирилган Қонуннинг 24-моддасида ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари жамоатчилик муҳокамасидан ўтиши белгиланган. Бундай қилинмади. Бундан ташқари, қарор лойиҳаси Адлия вазирлигида экспертиза қилиниб, рўйхатдан ўтказилиши керак эди. Марказ ушбу қондаларга риоя қилмасдан, медиамаҳсулотлар маънавий экспертизадан ўтказилиши ҳақида ахборот тарқатди.

## ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ЭНГ МУҲИМ ЖИҲАТ

Моҳиятан Адлия вазирлигининг баёноти тегишли ташкилотлар томонидан медиамаҳсулотларнинг миллий менталитет, одоб-ахлоқ нормалари, маънавий қадриятларга мувофиқлиги таҳлил қилинишини, уларни яратув-



чи ва тарқатувчиларга тегишли тавсиялар, кўрсатмалар берилишини, зарур ҳолларда, қонун талабларига зид медиамаҳсулотларни яратувчи ва тарқатувчиларга нисбатан тегишли чоралар кўрилишини инкор этмайди. Вазирлик баёноти "Медиамаҳсулотлар фақат қонунийлик юзасидан экспертиза қилиниши мумкин", деб номланган. Яъни, қонун медиамаҳсулотлар экспертизасини тақиқламайди. Бунга шубҳаси борлар, такрор бўлса ҳам айтаман, Конституциямизнинг 33-моддасини, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 4-, 14-моддаларини, "Маданият фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасини ўқиб кўришсин.

**Фаолияти медиамаҳсулотлар соҳасини тартибга солиш билан боғлиқ давлат идораларининг белгиланган ваколатлари, вазифалари**

улар томонидан медиамаҳсулотлар кузатиш, таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишни, сўз ва ижод эркинлигини суиистеъмол қилувчиларга нисбатан тегишли чоралар кўришни назарда тутди.

Хусусан, Президентимизнинг 2023 йил 27 июлдаги ПФ-114-сонли "Маъмурий ислохотлар доирасида маданият ва туризм соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан Маданият вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида "...халқимизнинг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада юксалтириш" белгиланган (Фармонга 1-илованинг г-банди). Ҳукуматнинг 2021 йил 7 сентябрдаги 558-қарори билан тасдиқланган Маданият вазирлиги тўғрисида Низомда (11-банд) маданият ва санъат соҳаларида қонун-

чиликка риоя этилишини назорат қилиш, халқимизнинг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада юксалтиришни рағбатлантириш вазирлигининг асосий устувор вазифалари қаторида санаб ўтилган.

Хуллас, медиамаҳсулотлар яратилиши ва тарқатилиши соҳасида вазият оғир аҳволда. Буни соҳа вакиллари, мутасадди идоралар раҳбарлари ва ходимлари, депутатларимиз тушуниб етишларига умид қиламиз.

Мутасадди давлат ташкилотлари – Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Маданият вазирлиги, Кинематография агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз ваколатларидан фойдаланиб, қонунга зид медиамаҳсулотлар яратилиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида республика Маънавият ва маърифат марказининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаши лозим.

Адлия вазирлиги ҳам фикримизча, қисқа баёнот билан чекланмай, четдан кузатувчи бўлиб қолмасдан, долзарб ҳаётини муаммага фақат формал-юридик нуктаи назардан эмас, балки қонун нормаларида кузланган мақсадлардан келиб чиқиб ёндашса, муаммони бартараф этишда, Президентимизнинг 2017 йил 3 август кунини юртимиз зиёлилари билан ўтказилган учрашувдаги қатъий кўрсатмаларини қонунчилигимизга, ҳаётга татбиқ этишда фаол қатнаша, айни муддао бўлар эди.

**Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ,**  
иқтисод фанлари номзоди

## МУДДАО НИМА?

## ТИЛБИЛИМ

## ОҒИЗДАГИ ЎРА

Халқ оғзаки ижодида "увуз эти ув бўлиб" деган ибора "увуз эти заҳар бўлиб" деган маънода келади. Чунки бу жумлада ув сўзи "заҳар", увиз сўзи эса "оғизнинг икки чети" мазмунини билдиради. Мен бу иборани дастлаб "увуз сути ув бўлиб" деган маънода тушунган эдим. Чунки янги туққан сигирнинг биринчи кунда соғиб олинган хом сути увуз сути дейилган. Кейин билсам, бу ерда ниҳоятда қийналган, оғир қайғуга ботган одамнинг нима еса татимаслиги, заҳарга айланган маъносидан "увиз эти ув бўлиб" деган нодир ибора қўлланган экан.



Увиз сути ибораси адабий тилда оғиз сути шаклида ҳам қўлланади. Демак, увиз билан оғиз битта сўз. Янаям аниқроғи, оғиз шевада овуз дейилади. Бу сут бузоқнинг илк бор оғзи теккани учун оғиз сути дейилган бўлиши керак. Асли бузоқнинг ҳаққи бўлган бу сутга одамлар ҳам доим тенг шерик.

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да янги туққан сигирнинг уч-тўрт кунлик сутини йиғиб пиширилган пишлоқсимон таом ҳам оғиз деб аталгани ҳақида маълумот берилган. Бу қағаноқ бўлса керак. Лекин қағаноқ биринчи кундаги сутдан тайёрланади.

Маҳмуд Кошғарийда одам ва ҳайвонлар оғзи маъносини билдирган оғиз сўзи *ағиз* шаклида келган ва *ағиз* *жўза* *кўз* *уязур* – оғиз еса кўз уялур деган мақол мисол қилинган. Бу мақол кейинги замонларда "Еган оғиз уялур" бўлиб ўзгарган.

"Туркий тиллар этимологик луғати"да *ағыз* сўзининг туб илдизи *ағ* бир қанча маъноларда тахмин қилинган. Жумладан, ёриқ, туйнуқ, тешик, ковак, ўра, ланг очик каби фаразлар айрилган. Лекин булардан фарқли йўсинда тилшунос В.Банг *ағыз* сўзи этимологиясини икки лабга тақайди ва асли *ākiz* – *ikiz*, яъни эгиз сўзи билан боғлиқлиги мумкин дейди. Бу ўринда у икки лабни эгизга менгаган бўлиши керак. Бангнинг тахмини кизикроқ, лекин менга ундан кўра, юқоридаги фаразлар асослироқ туюлди. Яна ким билсин?

Қўшимча маълумот: "Ҳибат-ул ҳақойиқ"да "оғиз тил" деган ибора келади. Бу ибора лафз, нутқ маъносини англатади. *Ағыз тил бэзэги кўни сўз дурур*, яъни, нутқ беағиз тўғри сўз бўлур. ("Қадимги туркий тил луғати".)

Эшқобил ШУКУР

## ҲАЖВ

## БИР ТҮЙ ТАЪРИФИДА

Тую томоша дерлар, түйи томоша бўлди,  
Думбасин кўтаролмай қўйи томоша бўлди.

Кувёв бенгал шамидек, хитойфонсудек келин,  
Кўз тегмасин, бўйлари бўйга яраша бўлди.

"Лимузин", "Форд", "Мерс"... ўттиз чоғли мошин келди-ёв,  
Кам деб чиқмади келин. Андак хархаша бўлди.

Шер келди, Юлдуз келди ва сунъий юлдузчалар,  
Мумтозга эстрада кўшилиб "каша" бўлди.

Кеча "депорт" бўб қайтган уста Ўктам сочган пул  
Отарчининг бошига томдан тараша бўлди.

Бир ариқ арақ бўлди, бир ариқ бўлди вино,  
Миркомил Миша бўлди, Сойибжон Саша бўлди.

Мезбоннинг ҳисобидан меҳмонга тутиб шароб,  
Терлаб Фахриддин зикна саховатпеша бўлди.

Қудағайлар ўйнади уриштириб қоринни,  
Сархушроқ ўйинчи қиз шу жойда пашша бўлди.

Қистирилган долларни чўнтакка урди куда,  
Урди худо, қудалар аро машмаша бўлди.

Чимилдиққа келинни гилдиратди тойбола,  
"Қувват берсин", "Бўш келма", "Й-й-й! Ҳа, яша!" бўлди.



Келинлик касб эмасдир, ҳунар эмас кувёвлик,  
Қудағайлар ташвиши кўшилиб кўша бўлди.

Келин кетди ҳўппайиб, кувёв қолди сўппайиб,  
Сезиб турганингиздай, якуни... ўша бўлди.

Мулла ХУНОБ

## ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

## ИККИ СОАТЛИК ДАБДАБА УЧУН БЕШ ЙИЛЛИК ҚОРА МЕҲНАТ

Азимжон меҳнатсевар йигит. У беш йил умрини чет элда мардикорликда ўтказди. Ватанини, ота-онанинг қадрини билди. Дўст билан душмани ажратди, унинг гапи кўчага тўғри келмаслигини кўрди, ҳис қилди. Баъзан бир тиш-ла нонга зор, ҳатто, вақтинча бошпанасиз қолган кунлари бўлди. Етишмовчилик кўриб улғайган йигит эмасми, шукр қилди, чидади.

Ёш ҳам ўттизни уриб қўйган, синфдошлар ичида уйланмагани бир ўзи қолганди. Шу учун еиши-ичиш, тузуқроқ кийинишдан ҳам тийилиб, пул йиғди. Беш йил ҳазилкакам муддат эмас, анчагина маблағ тўплади. Чоғроққина тўй қилиб, бундай-роқ машина олса бўлади. Тежаб

сарфласа, сутлик сигирга ҳам етади. Отасининг айтишича, уйни таъмирлаб қўйишибди. Орзулар оғушидаги йигит Германиядаги бир тўйнинг видеосини кўриб, мана, шу маросимни камчиқим қилиб ўтказса ҳам бўлар экан-а, деб қувонди. Тўй оддий кафеда бўляпти, столлар бум-бўш. Меҳмонлар исмлари ёзилган жойга келиб ўтиришапти. Кўнгиллари тусаган таом ёки ичимликни еб-ичишмоқда. Аллоҳ берган неъматларнинг уволу йўқ. Муҳими, сарф-харажат масаласи чўнтақбоп. "Агар мен ҳам шундай тўй қилсам, йиққан пулимнинг ортган қисми кичикроқ бизнесни йўлга қўйишимга бема-лоп етар экан". Йигитнинг хаёлидан ўтган бу фикр унинг кўнглини тоғдек кўтарди. Аммо у уйга қайтиши билан



шунақанги доврўқдор тўй бўлдики, овозаси етти маҳаллага кетди. Азимжон онасининг "оламшумул" орзу-ҳаваслари олдида ер чизиб қолди, ип эшолмади. Орадан ҳафта ўтгач, дабдабали тўйга сарф бўлган маблағнинг бир қисми судхўрдан фойз эвазига олингани маълум бўлди. Азимжоннинг ранги докадек оқарди. Беш йил мусофирлик, мардикорликда ўтган умр ва икки соатлик тўй учун фойзга олинган қарз балоси. Кўрпасига қараб оёқ узатмаган она эса "Бировдан кам

бўлма, дедим-да", дейишдан на-рига ўтолмади. Йигит бор аламини ичига ютиб, отасига юзланди: "Отаси, сиз эр кишисиз-ку, наҳотки онамга тўғри тушунтирмадингиз. Бахт икки соатда қанча пул сарфлаш билан ўлчанмайди, ахир..." Бизнингча, кимўзар тўйлар масаласида тартибни жорий қилиш учун оталар жилвони қўлга оладиган вақт аллақачон етган. Сиз нима дейсиз?

Обид ҚҮЛДОШ  
Фейсбук

Jadid

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ  
Қўллаб-қувватлаш  
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ  
ЖАМОАТ ФОНДИ

"ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ"  
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:  
Иқбол Мирзо

Масъул котиб:  
Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:  
Гулчехра Умарова

Саҳифаловчилар:  
Эркин Ёдгоров  
Нигора Тошева

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси  
хузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги  
томонидан 195115 рақам  
билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади – 7 567  
Латин ёзувидаги адади – 12 564  
Медиа кузатувчилар – 19 215

Буюртма: Г – 139

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,  
Шайхонтохур тумани,  
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgazet@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid\_gazetasi@exat.uz

"Шарқ" нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмаҳонаси.

Босмаҳона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 21:20

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz